БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 5 (16.088). ● 7 январь 1975 йил, сешанба ● Баҳоси 2 тийин.

ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШЛАРИ

ҚАРШИ. («Совет Узбекистони» мухбири). Бу ерда Қашқадарё область ва Қарши шаҳар партия ташкилотлари активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Активда область партия комитетининг иккинчи секретари И. И. Головачев КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати асосида беш йилликнинг якунловчи йилида Қашқадарё область меҳнаткашлари олдида турган вазифалар тўғрисида доклад қилди.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми ва СССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили вазифаларини аниқ ва равшан белгилаб берди.

Пахтакорлар Мурожаатга жавобан 400 минг тонна пахта, кўплаб бошқа қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳақида иш бошладилар. Активда область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғойибов область меҳнаташлари якунловчи йилда амалга оширадиган тадбирлар тўғрисида батафсил гапирди.

Актив йиғилишида бешйилликнинг якунловчи йилида амалга ошириладиган ишлар конкрет белгилаб олинди.

* * *

НУКУС, 6 январь. (ЎзТАГ). Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини қизғин маъқуллашмоқдалар. Улар совет халқининг бахт-саодати тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шаҳсан ўртоқ Л. И. Брежневга чуқур миннатдорчилик изҳор этиб, беш йилликнинг якунловчи йилида янгидан-янги муваффақиятларга эришишга аҳду-паймон қилганликларини билдирмоқдалар. Қорақалпоғистон область ва Нукус шаҳар партия ташкилотлари активининг бугун бўлиб ўтган йиғилишида ана шу ҳақда гапирилди.

Докладчи — Қорақалпоғистон область партия комитетининг иккинчи секретари Б. А. Новицкий, шунингдек сўзга чиққан нотиқлар — Нукус шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Р. Бобоназаров, Беруний район партия комитетининг биринчи секретари А. Ражабов, Қўнғирот район ижроия комитетининг раиси С. Матчонов, Қорақалпоғистон АССР совхозлар трестининг директори С. Т. Торемуратов, «Тахиаташгидроэнергострой» бошқармаси электр пайвандчилар бригадири У. Кинебоев ва йиғилишнинг бошқа қатнашчилари диққат-эътиборни партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети 1974 йил декабрь Пленумининг қарорларидан, партия Марказий Комитетининг Мурожаатидан келиб чиқувчи муҳим вазифаларига қаратдилар.

Қабул қилинган қарорда Автоном республиканинг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари 1975 йилда ўз олдиларида турган масъулиятли вазифаларни шараф билан бажарадилар, деб қатъий ишонч билдирилди.

ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ПАРТИЯ ЧАҚИРИҒИГА ЖАВОБАН

«Ташсельмаш» заводи коллективи тўққизинчи беш йиллик марраларини барвақт эгаллаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Корхонанинг 14-цехи ишчилари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан руҳланиб, якунловчи йил топшириқларини муддатидан илгари бажариш, планга қўшимча кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдилар. Суратда: цехнинг пешқадам ишчилари (чапдан) У. Тошматов, А. Ермакова, И. Желтобров, И. Кулибаба, М. Ҳусанов ва И. Колтун ўртоқлар Мурожаат мазмуни билан танишмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

БЕШ ЙИЛЛИК МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

И. А. ЛИХАЧЕВ НОМЛИ МОСКВА АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ (ЗИЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ) КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1975 ЙИЛ — ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИ ТУГАЛЛОВЧИ ЙИЛИДА ЗИММАСИГА ОЛГАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

Барча совет халқи сингари И. А. Лихачев номли Москва автомобиль заводи (ЗИЛ ишлаб чиқариш бирлашмаси)нинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шаҳсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг мамлакат экономикасини ривожлантириш, меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш ва КПСС XXIV съездида қабул қилинган Тинчлик программасини амалга ошириш борасидаги актив, собиткадам фаолиятини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар ва маъқулламоқдалар.

Биз совет халқининг эришган катта муваффақиятлари ва ютуқларида бизнинг меҳнат ҳиссамиз ҳам борлиги билан фахрланамиз. 1974 йил ва беш йиллик тўрт йилига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бирлашма муваффақиятли бажарди. Беш йиллик планнинг 1971—1974 йиллари мобайнида топшириқдан ташқари 70 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди, шу вақт ичида меҳнат унумдорлиги пландаги 28,4 процент ўрнига 32,3 процент ошди. Давлат Сифат белгисини олган буюмлар ишлаб чиқариш маҳсулот ялпи ҳажмининг 73 процентидан ошиб кетди.

Бирлашманинг ҳамма меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленуми, СССР Олий Совети иккинчи сессияси қарорларини ҳамда КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини ғоятда илҳомланиб, қабул қилдилар.

Бирлашма коллективи КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатига жавобан ўз зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

Ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан беш йиллик топшириқлари 1975 йилнинг 10 декабрида, шу йилнинг плани эса, 26 декабрда бажарилади. 1975 йилнинг давлат топшириғидан ташқари муқобил планни ҳам ҳисобга олган ҳолда қўшимча 8,5 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 1.100 та юк автомобили ва 500 та уй холодильники ишлаб чиқарилади. Маҳсулотни реализация қилиш, йиллик плани тузилган шартномалар, нарядлар ва буюртмаларга мувофиқ тўла номенклатура ва ассортиментда бажарилиши таъминланади. Мамлакатнинг автомобиль паркини янада серунум ва тежамли техника билан таъминлаш йўли изчиллик билан давом эттирилади. 8 тоннагача юк кўтара оладиган уч ўқли янги ЗИЛ-133 автомобили ишлаб чиқаришга қўйилади, истиқболли дизель автомобиль конструкцияси яратилади ва намуналари тайёрланади.

Партия ва ҳукумат бизга Кама автомобиль заводида ясаладиган юк машиналари оиласини лойиҳалашдек муҳим бир вазифани топширди. Бирлашма коллективи Ярославль моторсозлари билан бирга шу корхона биринчи навбати автомобилларининг конструкциясини барвақт ишлаб чиқди. Биз Кама автомобиль заводида ясаладиган ўриндиқли ва ағдарма машиналарнинг идораларо синовларини барвақт тугатиш ва тамомила пишиқтириш вазифаларини ҳам зиммамизга оламиз.

Йилига 4,5 миллион сўм тежаладиган 4000 дан ортиқ ташкилий-техникавий тадбирлар ишлаб чиқаришга жорий этилади. 4000 тонна қора металл прокати тежалишини таъминлайдиган инженерлик тадбирлари комплекси ўтказилади. Заводнинг рационализаторлари ва ихтирочилари жами 3,2 миллион сўмни тежайдиган 4000 дан ортиқ таклиф ва 65 ихтирони жорий этадилар.

ЗИЛ ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи мамлакатдаги ҳамма машинасозлик корхоналарининг ходимларига мурожаат қилиб, беш йилликнинг якунловчи бешинчи йили зарбдор меҳнат вахтасида туришга, беш йиллик планини барвақт бажариш учун оммавий социалистик мусобақани авж олдиришга даъват этади.

Биз КПСС XXIV съездининг улуғвор режаларини бажаришга барча ижодий куч-ғайратимиз ва билимимизни сарфлаймиз, деб Коммунистик партия ленинчи Марказий Комитетини ва Совет ҳукуматини ишонтирамиз.

Социалистик мажбурият ЗИЛ ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ-ВАГОН РЕМОНТИ ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИ — 1975 ЙИЛ УЧУН ОЛГАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари бутун совет халқи сингари КПСС Марказий Комитетининг, унинг Сиёсий бюросининг ва шаҳсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг мамлакат экономикасини ривожлантириш, меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш ва КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасини бажариш соҳасидаги актив, собиткадам фаолиятини қизғин қўллаб-қувватлайдилар ва маъқуллайдилар.

Биз ҳал қилувчи 1974 йил планини муваффақиятли бажарганимиз билан фахрланамиз. Завод пландан ташқари 520 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Шу давр ичида меҳнат унумдорлиги 6 процент ошди.

Заводнинг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1974 йил декабрь Пленумининг, СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг қарорларини ва КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини баланд руҳ билан қабул қилдилар.

Завод коллективи ички резервлардан тўлароқ фойдаланиш ва фан-техника тараққиёти эришган натижаларини кенг жорий қилиш негизида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, ишнинг барча сифат кўрсаткичларини яхшилашга сабот билан эришишни, ССР Иттифоқининг темир йўлларини юқори сифатли ҳаракат состави билан ҳамда локомотив ва вагонларни ремонт қилиш учун запас қисмлар билан таъминлашни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди.

Завод коллективи КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатига жавобан ўз зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

Тузилган шартномалар, нарядлар ва буюртмаларга мувофиқ ҳамма номенклатура ва турдаги маҳсулотларни реализация қилиш йиллик планини 29 декабрда бажарамиз. Муқобил планни ҳисобга олиб, қўшимча суратда 250 минг сўмлик маҳсулот берамиз. Меҳнат унумдорлигини 1974 йилда эришилган даражага нисбатан 4 процент оширамиз. Пландан ташқари бешта тепловоз секциясини, иккита вагон, 100 тонна пўлат, 50 тонна рангли металл, 50 тонна поковка ва штамповка, 50 жуфт ғилдирак ва 10 та дизель ишлаб чиқаришни таъминлаймиз.

Технология жараёнларини такомиллаштириш ва янги техникани жорий этиш негизида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини анча яхшилашни таъминлаймиз.

Иқтисод ва тежамкорлик тадбирларини амалга ошира бориб, 315 тонна шартли ёқилғини, 435 киловатт-соат электр энергияни, 100 тонна қора металлни тежаб қолишни таъминлаймиз.

Рационализаторлар ва ихтирочиларга амалий ёрдам бериб, бир йилда 180 минг сўм иқтисодий самара келтирадиган 320 та рационализаторлик таклифини жорий этишга эришамиз.

Қуйидаги ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширамиз: двигателларни поток-механизациялашган линияда йиғишни жорий этамиз, шестерня тайёрлайдиган иккинчи механика цехида комплекс участка ташкил қиламиз, ремонтдан чиқарилган тепловозларни ёқилғи, сув ва мойлаш материаллари билан таъминлаш учун қурилма тайёрлаб, жорий этамиз; двигателларни синаб кўриш учун стенд тайёрлаб, жорий қиламиз, тепловозларни реостат йўли билан синаб кўриш учун универсал қурилма тайёрлаймиз, ремонт-комплектлаш цехини ташкил қиламиз, локомотив тормоз колодкаларини ишлаб чиқаришни, гальваник қопламалар ва капрон деталлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирамиз.

Завод ходимларининг уй-жой-маиший шароитларини янада яхшилаш мақсадида 1975 йилнинг IV кварталида 66 квартирали уйни фойдаланишга топширамиз, Чорвоқ дам олиш зонасида 1975 йилнинг II кварталида 100 ўринли пионерлар лагерининг биринчи навбатини ишга туширамиз.

Биз қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш тўғрисида партия ғамхўрлигига жавобан Тошкент область, Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхозга ҳамда Жиззах областидаги Ю. Фучик номли қўриқ совхозга оталиқ ёрдамини кучайтириш мажбуриятини оламиз.

Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводининг коллективи республикадаги саноат корхоналарининг барча ходимларига мурожаат қилиб, уларни беш йилликнинг бешинчи, якунловчи йилида зарбдор меҳнат вахтасида туриб ишлашга, тўққизинчи беш йилликнинг сўнгги йили топшириқларини муддатидан илгари тугаллаш учун оммавий социалистик мусобақани авж олдиришга чақиради.

Биз КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматини ишонтириб айтамизки, ўзимизнинг бутун ижодий ғайратимизни, бутун куч ва билимимизни КПСС XXIV съезднинг улуғвор режаларини бажаришга сарфлаймиз.

Ушбу социалистик мажбуриятлар Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми юксак малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари, филология фани соҳасидаги самарали тадқиқотлари учун филология фанлари доктори, Бухоро Давлат педагогика институти ўзбек тили кафедрасининг мудири Мустақим Мирзаевич **Мирзаевга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллар самарали ишлаганлиги, юксак сифатли пайвандлаш техникасини ўзлаштириш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш соҳасидаги актив фаолияти учун Кўқон электр-машинасозлиги заводининг директори Яхё Ҳайдарович **Аббосовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика аҳолисининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида кўп йиллар самарали ишлаганлиги учун Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли 5-поликлиникасининг врачи Ҳамид Ғаниевич **Мутолибовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллар самарали ишлаганлиги ва республика матбуотини ривожлантиришдаги хизматлари учун «Правда Востока» газета редакцияси «Партия турмуши» бўлими мудири Иван Петрович **Ляскалога** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллар самарали ишлаганлиги ва республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон шоликорлик илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири Игорь Александрович **Сомовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллар самарали ишлаганлиги ва балиқчиликни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР балиқчилик хўжалиги бошқармасига қарашли «Дамачи» балиқчилик хўжалигининг директори Қодир **Шарипова** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони берди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИНИЗМ» КОЛХОЗИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

Колхозимиз коллективи КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 50 йиллиги шарафига мусобақалашиб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг барча турларини етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан беш йилликнинг тўрт йили халқ хўжалиги планини ва 1974 йилги социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарди.

Давлатга пахта сотиш юзасидан беш йиллик халқ хўжалик плани 1120 тонна ортиғи билан бажарилди.

Колхозимиз пахтакорлари беш йилликнинг тўртинчи, белгиловчи йилида давлатга қарийб 4,8 минг тонна «оқ олтин» сотиб, халқ хўжалик планини 140 процент адо этдилар. Ҳар гектар майдондан 37,2 центнердан юқори сифатли уруғлик пахта олинди. Сабзавотчилар, соҳибкорлар ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа тармоқларидаги меҳнатчилар анчагина муваффақиятларга эришдилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленуми қарорлари, СССР Олий Совети сессиясининг материаллари ва КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати ижодий кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш юзасидан партия билан ҳукумат мўлжаллаган тадбирларни қизғин маъқуллаб ва партия Марказий Комитетининг Мурожаатига жавобан колхозимиз коллективи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақага қўшилади.

Биз ернинг ҳар бир гектаридан, экин суғориладиган сувдан яхшироқ фойдаланиш, фан-техника тараққиёти эришган натижаларни кенг жорий қилиш негизида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш, 1975 йилда ҳар бир гектар майдондан 40 центнер пахта, 80 центнердан маккажўхори дони, 600 центнердан маккажўхори кўкпояси ва 160 центнердан беда пичани олиш мажбуриятини қабул қиламиз.

Пахта, сабзавот, картошка, мева, узум, гўшт, сут, тухум ва деҳқончилик ҳамда чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан 1975 йилга белгиланган барча халқ хўжалик планлари ҳамда беш йиллик топшириғи анча ортиғи билан бажарилади.

Беш йилликнинг якунловчи йилида давлатга халқ хўжалиги планидаги 3721 тонна ўрнига 5200 тонна пахта сотилади. Мамлакат беш йиллик планга қўшимча равишда 6320 тонна пахта олади.

Колхоз чорвадорлари моллар туёғини, хусусан, сигирлар туёғини янада кўпайтириш, чорва молларни урчитиб кўпайтиришни ва зотини яхшилаш, сигирларнинг сутдорлигини 400 килограмм ошириш ва ҳар бир сигирдан 3850 килограммдан сут соғиб олиш, давлатга 750 тонна ёки бултургидан 16 процент кўп сут сотиш, гўшт сотишни 20 процент ошириш мажбуриятини оладилар. Бунинг учун чорва молларини боқишни, асрашни ва бўрдоқи қилишни яхшилаймиз.

Чорвачиликнинг озуқа базаси мустаҳкамланишига эришамиз. Емхашак етиштириш янги прогрессив технологиясини кенг жорий этамиз, сенаж бостириш, омухта силос бостириш, ўт талқони тайёрлашни кўпайтирамиз.

Деҳқончиликда меҳнат унумдорлигини камида 7 процент ва чорвачиликда меҳнат унумдорлигини 15 процент оширамиз, маҳсулотнинг таннархини 10 процент камайтирамиз.

Биз ана шу мақсадларда кузги-қишки ишларнинг ҳаммасини энг яхши агротехника муддатларида ўтказамиз. Беш йилликнинг якунловчи йили ҳосили учун мустаҳкам замин яратамиз. 1 мартга қадар қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш ва тайёрлаб қўйиш, суғориш шоҳобчалари ва уруғларни тозалаб қўйишни тамомлаймиз. Қиш мавсумида курсларда ва семинарларда далачилик бригадалари бошлиқлари, механизаторлар ва чорвадорларнинг малакасини оширишни давом эттирамиз.

Биз, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг аъзолари бутун совет халқи сингари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада интенсивлаштириш соҳасида қўйган вазифасини жанговар иш программаси сифатида қабул қилиб олдик. Биз мана шу айёмда республика қишлоқ хўжалигининг барча меҳнатчиларига мурожаат қилиб, беш йилликнинг якунловчи йилида меҳнат вахтасида туриб ишлаш, пахта, сабзавот, гўшт, сут ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан тўққизинчи беш йилликнинг халқ хўжалик планларини муваффақиятли бажариш учун оммавий социалистик мусобақани кенг авж олдиришга даъват этамиз.

Биз КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматини ишонтириб айтамизки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш негизида маҳсулот сифатининг оширилишини, унинг таннархи камайтирилишини таъминлаймиз, ўзимизнинг фидокорона меҳнатимиз билан КПСС XXV съездини муносиб кутиб оламиз.

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози аъзоларининг умумий йиғилишида қабул қилинган.

ЛЕНИНГРАДДАГИ «КИРОВСКИЙ ЗАВОД» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1975 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Кировский завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириш асосида беш йилликнинг тўртинчи—белгиловчи йили плани ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарди.

КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленуми ва СССР Олий Советининг иккинчи сессияси қарорларидан руҳланган бирлашма меҳнаткаштлари янада зўр ғайрат ва ижодийташаббускорлик билан ишлашга азму-қарор бериб, тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилини, Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 30 йиллиги нишонланадиган йилни меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олишни ўзларининг ватанпаварлик бурчи деб ҳисоблайдилар. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан, коллектив ўз зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

Маҳсулот реализация қилиш ҳажми юзасидан 1975 йил учун белгиланган план муддатидан илгари, 26 декабрда бажарилади ва беш йиллик давомида ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар кўпайтирилади. Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи 12 процент ортиғи билан бажарилади.

1975 йилда қишлоқ хўжалиги учун 5 миллион сўмлик трактор запас қисмлари ва 2.000 тонна металл прокат қўшимча равишда ишлаб чиқарилади.

Маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини кескин ошириш таъминланади, янги техникани яратиш ва ўзлаштириш муддатлари қисқартирилади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг қишлоқ хўжалиги учун «К-701» маркали уч юз от кучига эга бўлган тракторлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш юзасидан қўйган топшириғини бажариб, шу тракторларни кўплаб ишлаб чиқаришга муддатидан аввал, Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 30 йиллиги байрами кунларида киришилади. Тракторларнинг ресурси 5.000 соатдан 6.000 соатга етказилади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан ва капитал маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги оширилади. Кўп станокда ишлайдиган ишчилар 1000 кишига етказилади, металл ишлаш станоклари, машина ва механизмлар асосий турларининг сменали ишлаш коэффициенти 1,45 га, асбобсозлик ишлаб чиқаришида эса 1,7 га етказилади.

900/680 прокат станининг лойиҳадаги суткалик қувватига нормативда белгиланганидан ярим йил аввал эришилади, мартен цехи белгиланган муддатдан 1,5 ой барвақт ишга туширилади, темирчилик штамплаш цехининг лойиҳадаги қуввати 4.000 тонна штамповка миқдорида оширилади.

Илғор технологияни тежамкорлик режимини қўлланиш ҳисобига ҳар бир тракторга сарф бўладиган металл 126 килограмм миқдорида камайтирилади. 20 миллион киловатт-соат электр энергия, 2,5 минг тонна шартли ёқилғи тежаб қолинади. Тежаб қолинган хом ашё ва материал ҳисобига 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш 1974 йилги даражага нисбатан 22 процент кўпайтирилади. 30 минг квадрат метр маиший бинолар муддатидан илгари фойдаланиш учун топширилади, 3 та ошхона очилади, мактабгача тарбия муассасалари қурилади. 6.300 дан ортиқ киши иқтисодий таълимга жалб қилинади, базавий ҳунар-техника билим юрти ўрта маълумот бериш системасига ўтказилади.

«Киров завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи ўзининг зарбдор меҳнати билан тўққизинчи беш йилликнинг улуғвор режаларини бажаришга муносиб ҳисса қўшади, деб КПСС ленинчи Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюросини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтиради.

Ушбу мажбуриятлар «Кировский завод» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия—хўжалик активининг йиғилишида муҳокама этилиб қабул қилинган.

ПРОБЛЕМАЛАР ВА МУЛОҲАЗАЛАР

ҲОСИЛНИ ПРОГРАММАЛАБ

Ўтган йил Ўзбекистон деҳқонлари меҳнатда катта ғалабага эришдилар: республика 5,3 миллион тонна пахта етиштирди. Ҳозир далаларда янги ҳосилга замин яратиш ишлари қизғин тус олган. Яна мўл ҳосил етиштирмоқ учун сув камчил бўлган ўтган йили жуда яхши натижаларга эришган илғор хўжаликларнинг тажрибасини назардан ўтказиш ва ҳамма жойда қўлланиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Маълумки, пахтакор республикаларда, айниқса Ўзбекистонда сув камчиллиги жуда сезилиб турибди. Масалан, Фарғона водийсининг кўпгина хўжаликларида бултур суғориш учун зарур бўлган сувнинг чорак қисмини дарё ва каналларда сув сатҳи жуда пасайиб кетганлиги сабабли минглаб артезиан қудуқлар қуришга канал ва коллекторлар устига юзлаб насослар қўйишга тўғри келди. Шундай қилиб, сувни эҳтиёт қилиш проблемаси актуаллигича турибди.

Иссиқ иқлимли районларда қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришга ўсимликларнинг сув балансини чуқур эксперименталар асосида ўрганиш, илмий асосланган тавсияларни деҳқончиликка жорий этиш туфайли эришиш мумкин бўлди. Суғориш режимини ва ғўзани озиқлантириш системасини тупроқнинг ҳолатига, ўсимликларнинг жойлашиш усулларига қараб қўлланиш, ҳосилдорликни оширишнинг янги истиқболларини очиб беради.

«Оқ олтин»дан гектар бошига 50 центнер ҳосил олиш учун ғўза гуллайдиган пайтгача далаларнинг сувга бўлган тўла талабига нисбатан тупроқ намлигининг 70 процентини таъминлаш кифоя қилади. Кўсаклар пишиб етилаётган даврда тупроқ намлигини 60 процентгача пасайтириш мумкин. Бунда бир центнер пахта етиштиришга 116 куб метр сув сарф бўлади. Тупроқ намлигини беш процент камайтирган тақдирда пахта ҳосили бир оз камайиб — гектар бошига 49 центнерга тушади, аммо шу билан бирга маҳсулот бирлигини етиштиришга бўладиган сув сарфи 15 куб метр миқдорида қисқаради. Тупроқ намлиги бундан ҳам камайтирилган тақдирдагина пахта ҳосилдорлиги кескин пасая бошлайди.

Олимларнинг фикрича пахтанинг сувга талабини унинг нав ҳусусиятларигина эмас, шу билан бирга ғўзанинг физиологик кўрсаткичларини ҳам ҳисобга олиб, белгилаш зарур. Усимликка нормал ўсиш ва ривожланиш учун қанча зарур бўлса, шунча сув бериш — миллион-миллион куб метр сувни тежаш демакдир.

Афсуски, биронта хўжаликда ҳам маҳсулот бирлигини етиштиришга бўладиган сув сарфи ҳисобга олинмайди. Кўпинча шундай фактга дуч келиш мумкинки, ёнма-ён жойлашган хўжаликлар бир миқдорда сув олса ҳам улардаги ҳосилдорлик ҳар хил бўлади.

Чамаси, олинган ҳосилгагина эмас, шу билан бирга ҳар центнер маҳсулотни етиштиришга сарфланган сув ҳажмини ҳам эътиборга олиш вақти келди. Сувдан фойдаланишни планлаштиришда ҳам шуни назарда тутиш керак. Ҳисоб-китоб қилган вақтда белгиланган ҳосилни етиштириш учун сувга бўлган эҳтиёжни асос қилиб олиш зарур. Натижада деҳқонларнинг сувдан фойдаланиш учун масъулияти ошади.

Келажакда программада белгиланган миқдордаги пахта ҳосилини олишга эришишимиз лозим. Усимликлар зарур миқдордаги сувнигина олиши керак, сувнинг қолган қисми янги пахтазорлар учун, шунингдек бошқа экинларни суғориш учун орттириб қолдирилади. Бу проблемани ҳал этишга ҳозирнинг ўзидаёқ киришилди. Фотосинтез, нафас олиш, озиқланиш ва модда алмашинувининг бошқа жараёнлари муносабати билан ҳозир олимлар сув режими динамикасини тадқиқ қилмоқдалар.

Яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Кейинги йилларда Ўзбекистонда ирригация қурилиши мислсиз кенг қулоч ёзди. Республикада 12 та сунъий денгиз қурилди. Яна иккита сунъий денгиз — Андижон ва Чорвоқ сув омборлари қурилмоқда. 7,8 миллиард куб метр сув сиғадиган Амударёда энг катта Туямўйин сув омбори қуришга киришилди.

Бугина эмас. Ҳозир 900 та суғориш системаси ишлаб турибди, салкам 26 мингта гидротехника узели ва тўғони, сув тақсимлаш иншооти ва бошқа иншоотлар бор. Пахтазорларга юз минг километрдан кўпроқ ариқ ва каналлар оби-ҳаёт бериб турибди. Сувнинг шимилишини камайтириш учун каналлар тубига бетон ётқизилмоқда, хўжаликлар ичкарисидаги ариқлар қувурлар ва бетон новлар билан алмаштирилмоқда. Хуллас, давлат сув хўжалиги қурилишига жуда катта маблағ сарфламоқда, бинобарин, у шу маблағлардан юксак самарадорликка эришишни талаб қилишга ҳақлидир.

Масаланинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан суғориш системаларидан тўғри фойдаланишга, сувнинг ўзини тежаб-тергашга боғлиқ. Ташкилий ва агротехника тадбирларидан (хўжаликлараро ва хўжаликлар ичкарисида сув оборотини ҳамма жойда жорий қилиш, ўсимликларни кечаю-кундуз суғоришни ташкил этиш ва шу каби тадбирлардан) олинадиган самара янги гидротехника иншоотлари қуришдан олинадиган самарадан оз бўлмаслигини тажриба кўрсатиб турибди. Афсуски, кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари каналлар, зовурлар ва коллекторлар қуришга берилиб кетиб, хўжаликлар ичкарисидаги ирригация-коллектор тармоғини тартибли сақлаш, сувдан рационал фойдаланиш тўғрисида дуруст ғамхўрлик қилмаётирлар. Ҳатто сув олтиндек қадр топган ўтган йили ҳам сувдан фойдаланиш коэффициенти, айтайлик, Қашқадарё областида 0,83, Қорақалпоғистон АССРда эса, 0,64 бўлди. Бунинг маъноси шуки, автоном республикада суғориш учун ажратилган ҳар юз литр сувнинг 36 литри зое кетди. Ҳолбуки, Андижон, Фарғона ва Наманган областларида деярли ҳар литр сувдан фойдаланилди.

Шу муносабат билан бундан ўтгиз йил муқаддам қурилган ва ҳозир механизациялашган йирик хўжаликлар ҳал этаётган вазифаларга унчалик жавоб бермай қолган мавжуд суғориш тармоғини реконструкция қилиш ишларини жадаллаштириш зарурати пишиб етилди. Бунинг устига ана шундай системаларнинг фойдали иш коэффициенти 0,5—0,6дан ошмайди. Реконструкцияга анчагина чиқим қилиш лозимлиги шубҳасиз, аммо етиштирилган қўшимча пахта ҳосили бу ҳаражатларнинг ўрнини тез қоплаб юборади.

Суғориш усуллари ва техникасини янада такомиллаштириш лозим. Ҳозир пахтачиликдаги қўл меҳнатининг бешдан бир қисми суғоришга, асосан суғориш ишини ўтказишга тўғри келади. Ҳаддан ташқари кўп чиқимларни қисқартириш учун ёмғирлатиш машиналарини дадил жорий қилиш, айниқса нотекис далаларда кичик механизация воситаларини (сифонлар, юмшоқ шлангларни) кенгроқ қўллаш керак. Айни вақтда суғоришнинг автоматлаштирилган ва механизациялаштирилган воситаларини ишлаб чиқиш ва синаб кўриш лозим.

Сувнинг манбадан ўсимликка етиб бориш йўлини қисқартириш, ирригация системаларидан фойдаланиш коэффициентини ошириш — суғориладиган деҳқончиликнинг энг муҳим вазифаларидан бирини ҳал этиш демакдир. Сувдан рационал фойдаланиш экинлар ҳосилдорлигини оширибгина қолмай, шу билан бирга сув ресурсларининг бир қисмини Мирзачўлда ва Қарши даштида, Сурхон—Шеробод водийсида, Амударё этакларида янги ўзлаштирилаётган ерлар учун орттириб қолиш имконини ҳам беради.

А. ИМОМАЛИЕВ,
В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг муҳбир аъзоси.

Тошкент шаҳри.
(«Правда», 6 январь).

ЗАВОДНИНГ ЯНГИ КОРПУСИ

Давлат комиссияси «Электроаппарат» заводи янги корпусини қурган бинокорлар ишини аъло баҳолади. 162-қурилиш трести бешинчи бошқармасининг коллективи 4 минг квадрат метр ишлаб чиқариш майдонини топширди. Эндиликда корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни йилига 9,9 миллион сўм кўпайтира олади.

Завод монтаж цехининг ишчилари бу ерда пресс автоматлар, кўп операция бажарувчи станоклар, тўрт қаторли конвейерлар ўрнатдилар, буларнинг ҳаммаси яқинда давлат сифат белгисига сазовор бўлган автомат виключателлар ишлаб чиқаришга аталган. Ҳар йили 640 мингтадан 900 мингтагача шундай включатель ишлаб чиқарилади.

Қурувчилар ҳали қурилиш майдонидан кетишганлари йўқ. Шу йил улар «Электроаппарат» заводига яна 6 минг квадрат метрли цех саҳнини битказиб топширишлари керак. Шунда завод электр станциялар учун бошқариш шкафлари ишлаб чиқаришни кўпайтиради.

Андижон. (ЎзТАГ).

ПЛАНЕТАМИЗДА

АҚШ ДАВЛАТ СЕКРЕТАРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ИОРК. (ТАСС). АҚШ давлат секретари Г. Киссинжер-нинг «Бизнес уик» журнали мухбири билан қилган суҳбати шу журналда эълон қилинди. Г. Киссинжер ўз суҳбатида Совет-Америка муносабатлари проблемаларига, Ғарбнинг иқтисоди аҳволи ва Яқин Шарқдаги вазиятга тўхталиб ўтди.

АҚШ конгресси экспорт-импорт банкининг ваколат муддатини узайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳасида Совет Иттифоқига кредит беришни чеклашни таклиф этган эди. Г. Киссинжер ана шу «чеклашларни танқид қилди. «Менинг фикримча,— деди давлат секретари,— экспорт-импорт банки берадиган кредитларни чеклаш Америка-Совет муносабатларига салбий таъсир ўтказиши мумкин».

Г. Киссинжер Ғарб мамлакатлари дучор бўлган жиддий қийинчиликларга тўхталиб ўтди. У айтдики, бу мамлакатлар «снёсий бетоблик, вазиятни аниқ ҳис этмаслик ва ишончсизликка дучор бўлиб қолдилар. Уларда собитқадамлик йўқ. Бу ҳол иқтисодий аҳволга таъсир кўрсатади, чунки бу ҳол келгусига муайян умид йўқлигидан далолат беради».

Давлат секретари жумладан, нефть нархининг ошганлигини ва нефть қазиб чиқарувчи мамлакатларнинг сиёсатини Ғарбдаги иқтисодий қийинчиликларга сабаб қилиб кўрсатмоқчи бўлди. Киссинжер «Нефть нархини кўп миқдорда камайтирмай туриб, иқтисодий тангликни бартараф қилиш мумкин эмас», деди. «Биз,— деб таъкидлади у,— нефть нархининг даҳол камайтирилишига умид йўқ, деб ҳисоблаймиз».

Шу муносабат билан Қўшма Штатларнинг нефть қазиб чиқарувчи мамлакатларга снёсий тазйиқ ўтказиш имкониятлари тўғрисида берилган саволга жавоб қайтариб, Киссинжер айтдики, мен бу масалани батафсил баён қилишни истамайман, аммо бу мамлакатлар нархни яна оширишдан олдин яхшироқ ўйлаб кўришлари шубҳасиз, лозим, чунки бу ҳол «снёсий хун тўлаш»га ҳам олиб келиши мумкин.

Давлат секретари нефть етказиб берувчи мамлакатлар билан нефть истеъмол қилувчи мамлакатларнинг халқаро конференцияси чақирилиши лозимдир, деди. Аммо, Г. Киссинжер нефть истеъмол қилувчи давлатлар учун конференция олдидан конкрет программани ва умумий позицияни ишлаб чиқиш зарур эканлигини Қўшма Штатларнинг конференцияда қатнашуви учун шарт қилиб қўйди.

Давлат секретари Яқин Шарқдаги аҳволга тўхталиб, можаро снёсий жиҳатдан бартараф қилинмаган, томонларнинг урушга тайёргарлиги жуда ҳам муболағалаштириб юборилганлиги сабабли араб мамлакатлари билан Исроил ўртасида янги урушнинг бошланиш хавфи ҳамиша сақланиб қолади, деди. Қўклам фаслигачаёқ, деди у, снёсий жиҳатдан бир муича илгари силжиш учун имконият бор.



Югославиядаги Ясеноваце шаҳарчасида иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашда ҳалок бўлганларга ёдгорлик ўрнатилган. У собиқ ҳарбий лагерда қад кўтарган. Сиз суратда ушбу ёдгорликни кўриб турибсиз. Нафис ишланган тошгул озод этилган мамлакатнинг рамзидир. ТАНЮГ—ТАСС фотоси.

БАНГЛАДЕШДАГИ АҲВОЛ

ДАККА. (ТАСС мухбири). Бангладеш полицияси ва хавфсизлик кучлари мамлакатнинг миллий бирлигига путур етказмоқчи бўлган ватанга қарши ўнг ва ўта сўл кучлар билан курашни кўчайтириб юборди. Республикада фавқулодда ҳолат жорий этиш тўғрисида президентнинг 28 декабрдаги фармонига мувофиқ Бангладеш пойтахтида ва бошқа шаҳарларида иқтисодий саботаж уюштириш, сиёсий террор, одам ўлдириш ва талончиликда айбланган шахслар қамоққа олинди. Жумладан, миллий ассамблея аъзоси Абдулло Маннон, тўқимачилик саноати ҳукумат кенгашнинг раиси ва давлат мол-мулкини ўғирлаш ёки саботаж қилишда айбдор бўлган бошқа бир қанча катта амалдорлар қамоққа олинди.

1 январь куни Читтагонгда ўта сўл террорчи гуруҳнинг бошлиғи Широз Сиқдар қўлга тушди.

Мана шу маочи яширин шайканинг аъзолари полиция участкаларига тунда ҳужум қилганлар. банкларни талаганлар, пассажир паромлари ҳамда поездларига ҳужум қилганлар, Ш. Сиқдар қамоққа олингандан кейин қочиб кетишга уринганда отиб ташланди.

Ички хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлари бутун Бангладеш халқи маъқулламоқда. Тўқимачилар касаба союзининг раҳбарлари баёнот эълон қилиб, ўнг ва сўл экстремистларга қарши қатъий чоралар кўриш тўғрисида ҳукуматнинг қарорини тўла қўллаб-қувватлаётганликларини билдирдилар.

Боргуна шаҳрида бўлиб ўтган митингда зарар кўрганларга ёрдам бериш билан шуғулланувчи давлат министри Х. Ч. Мандол сўзга чиқиб, фавқулодда ҳолатнинг жорий этилганлиги жамиятга қарши кучларнинг қўпорувчилик фаолиятига нисбатан берилган бирдан-бир тўғри жавобдир, деди. Бангладеш ҳукумати республикада иқтисодий муштқулликлар туғдираётган ва унинг олга қараб ҳаракатига тўсқинлик қилаётган унсурларни жиловлаш учун шу чораларни кўришга мажбур бўлди.

Н. ПОЗДНЯКОВ.

ДЎСТЛАРНИНГ МЕҲМОНИ

БАҒДОД, 6 январь. (ТАСС). Ироқ жамоатчилиги бу ерда ўтаётган Ироқ—Совет дўстлиги декадасида қатнашаётган совет дўстлик жамиятлари союзи ҳамда чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг делегациясига самимий меҳмондўстлик кўрсатмоқда. Бу делегацияга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов бошчилик қилмоқда.

Делегация аъзолари Ироқнинг таниқли сиёсий ва жамоат арбоблари билан, жумладан, Ироқ Коммунистик партиясининг раҳбарлари, Араб Социалистик Уйғониш партияси раҳбарлигининг аъзоси Зайд Ҳайдар билан учрашдилар.

Совет Иттифоқидан борган меҳмонлар Бобил вилоятида ҳам бўлдилар. Улар вилоятнинг маъмурий маркази — Хилла шаҳридаги ёшлар клубида маҳаллий ёшлар вакиллари билан, шаҳарнинг тўқимачилик комбинати ишчилари билан учрашдилар.

Ҳозир совет делегацияси Шимолий Ироқнинг энг йирик шаҳарларидан бири—Мосулда меҳмон бўлиб турибди. Программага кўра, Ироқ—Совет дўстлиги митинги ўтказилиши, совет артистларининг концерти берилиши, Араб Социалистик Уйғониш партияси билан Ироқ Коммунистик партиясини бирлаштирган Ироқ прогрессив миллий ватанпарварлик фронтининг маҳаллий раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилиши кўзда тутилади. Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар Мосул университетида ҳам бўладилар.

Бағдод аҳолиси совет тасвирий санъати, халқ ижодиёти ва китоблари виставкаси билан танишади. Бу виставкани мамлакат миллий галереясида Ироқ информация министри Тариқ Азиз очди.

ХОРХЕ МОНТЕСНИНГ ҲАЁТИ САҚЛАБ ҚОЛИНСИН

ГАВАНА. (ТАСС). Кубанинг Чили халқининг антифашист кураши билан бирдамлик комитети жаҳон тараққийпарвар ва демократик кучларига мурожаат қилиб, уларни Чили Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, собиқ сенатор Хорхе Монтес ва унинг қизи ҳаётини сақлаб қолишга даъват этди.

Комитетнинг бу ерда тарқатилган баёнотида айтиладики, Хорхе Монтес, унинг рафиқаси ва икки қизи ўтган йил июнь ойида ҳарбий фашист хунтанинг қамоқ зиндонларига ташланган эди. Ҳозирги вақтда Хорхе Монтеснинг саломатлиги оғир аҳволда. У қон қуюлиши касалидан азоб чекмоқда.

Комитет Чили ватанпарварларининг ҳаёти учун ташвишланаётганлигини билдиради ва улар даҳол озод этилишини талаб қилади.

МИНИСТР ЎЛДИРИЛДИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Бомба портлаши натижасида етказилган жароҳатдан Ҳиндистон темир йўл транспорти министри Л. Н. Мишра вафот этди.

Ҳиндистон информация агентликларининг хабарларида кўрсатилишича, Л. Н. Мишра Самастипур шаҳрида Бихар штатининг ғарбий районларида темир йўлнинг янги участкасини ишга туширишда маросими чоғида ярадор бўлган эди.

Фахрий меҳмонлар минбарида рўй берган портлашдан 22 киши жароҳатланган, улардан олти киши оғир аҳволдадир.

Агентликларнинг таъкидлаб ёзишича, маъмурлар портлашни уюштиришда шубҳа қилинаётган икки номаълум кишини ушлаганлар.

ҲИНДИСТОН АГЕНТЛИГИНИНГ АХБОРОТИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистоннинг ЮНИ информация агентлигининг хабар беришича, Нага қабиласидан бўлган исёнчилардан яна бир группаси Хитой территориясига ўтишга уринганлиги муносабати билан Ҳиндистоннинг Нагленд штатидаги хавфсизлик ва чегара қўшинлари кучлари жанговар шай ҳолга келтирилган. Агентликнинг кўрсатишича, ана шу группага кирувчи исёнчилар яна қурол-яроғ олиш учун Хитойга бормоқчилар. Улар Ҳиндистонга қайтиб келиш олдидан махсус лагерларда ҳарбий тайёргарликдан ўтишлари лозим. Бу лагерларда уларга диверсия ва террор методларини ўргатадилар.

Халқаро обзор

АФРИКА: МУСТАМЛАКАЧИЛИК ҚОЛДИҚЛАРИ ТУГАТИЛМОҚДА

Африкада мустамлакачиликни тугатиш жараёни бу қитъанинг энг олисдаги бурчакларини ҳам қамраб олди. Кейинги кунларда рўй берган воқеалар буни исбот этади. Комор оролларининг ғоят кўпчилиги янги йил арафасида ўтказилган референдумда бу оролларнинг мустақил деб эълон қилинишини ёқлаб чиқди.

Африканинг шарқий соҳилида жойлашган Комор оролларининг шу пайтгача Франциянинг мустамлакаси эди. Бу оролларнинг роҳатжон пляжларидан баҳраманд бўлган чет эл туристларининг дидига мослаб уни «ой оролларининг» деган гўзал ном билан атаган бўлсалар керак. Коморнинг яхши иқлими, тропик ўсимликларга бойлиги, катта-катта вулқонларнинг борлиги уни жаҳоннинг энг кўркам жойларидан бирига айлантирди. Аммо шу билан бирга Комор оролларининг планетамизнинг энг қолоқ территорияларидан биридир. Унинг аҳолиси тамомила саводсиз дейиш мумкин.

Мустамлакачи маъмурлар аҳолининг талаб-эҳтиёжларини назар-писанд қилмай, бу оролларнинг экономикасини экспортга мослаштириш учун ҳамма чораларни кўрдилар. Экспорт чет эл компанияларига жуда катта фойда келтирди. Ваниль, қалампирмунчоқ, долчин ва Франциянинг парфюмерия саноати учун зарур бўлган турли-туман эссенциялар океаннинг нариги томонига жуда кўп миқдорда жўнатилади. Айни вақтда бу оролларнинг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланмаган ва ҳатто ичимлик сувни ҳам бошқа жойлардан келтиришга мажбур. Комор қишлоқ хўжалик ишчилари чет эл компанияларининг плантацияларида жуда оғир шароитда қилган меҳнатлари учун жуда кам ҳақ олади.

Қашшоқлик, ҳуқуқсизлик ва табиий ресурсларининг талон-торож қилинишига тоқат этолмаган Комор оролларининг меҳнаткашларининг тазйиқи билан Франция бу оролларга мустақиллик бериш масаласи ҳусусида референдум ўтказишга мажбур бўлди. Референдум натижалари коморликлар мустақилликка, оролнинг экономикаси ва ҳатто бойликларини бутун халққа хизмат қилдиришга астойдил ичтилаётганлигини исбот этади.

Референдум ўтказилиши билан қарийб бир вақт ичида Африканинг ғарбий соҳилларида яна бир муҳим воқеа рўй берди: Португалия Яшил Бурун оролларида маъмурий ҳокимиятни муваққат ҳукумат қўлига топширди. Бу ҳукумат шу йилнинг июль ойида Португалиянинг ана шу собиқ мустамлакасига мустақиллик бериш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириши керак. Португалия мустамлакачилари ҳукмронлиги даврида Гвинея-Бисау составига кирган ана шу оролларда Гвинея-Бисау ва Яшил Бурун оролларининг мустақиллиги Африка партияси билан келишилиб, шу йил 30 июнда қонун чиқарувчи мажлисга сайлов ўтказилади. Гвинея-Бисау ва Яшил Бурун оролларининг мустақиллиги Африка партияси Гвинея халқининг озодлик йўлидаги курашига раҳбарлик қилиб келган эди. Илгари мустақиллика эришган Гвинея-Бисау республикасининг миллий халқ мажлиси ва Яшил Бурун оролларининг қонун чиқарувчи мажлиси оролларнинг аҳолисининг ва Гвинея-Бисаунинг қуруқликдаги қисмида яшовчи аҳолининг ўз ҳоҳишини эркин суратда изҳор қилиши негизида ана шу икки территорияни ягона мустақил давлатга бирлаштириш йўллари ва формаларини кейинчалик белгилаб чиқадилар.

Африка қитъасида мустамлакачилик қолдиқларини тугатиш жараёни муваффақиятли суратда давом этаётганлиги мустамлакачилик тартибларидан ўз мақсадлари учун фойдаланиб келган Ғарб доираларининг дидига тамомила ёқмай қолди. Яшил Бурун оролларида муваққат ҳукуматни тузиш арафасида бу ерда уюштирилган фитна барбод этилди. Португалия собиқ охранкаси ходимлари НАТО ҳарбий блоки маблағлари ҳисобига ана шу фитнани уюштирдилар. Фитна қатнашчилари ана шу оролларни Гвинея-Бисаунинг қуруқликдаги қисмидан ажратиб олмоқчи ва бу ерларда оролни НАТОнинг ҳарбий плацдармига айлантириши лозим бўлган қўғирчоқ режимни ўрнатмоқчи бўлган эдилар.

Халқаро империализм томонидан уюштирилган ана шу кирдикорларнинг барбод этилганлиги диққат-эътиборга сазовордир. Фитначиларнинг планлари меҳнаткашлар кенг табақаларининг бевосита иштироки билан барбод этилди. Меҳнаткашлар маҳаллий маъмурлар ва полиция билан биргаликда фитначиларни қамоққа олиб, фитнани тугатдилар.

ЧЕТ ЭЛ МОНОПОЛИЯЛАРИНИНГ ҲУКМРОНЛИГИГА ҚАРШИ

Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий мустақиллик учун, ўз экономикасида чет эл монополияларининг ҳукмронлигини тугатиш учун курашни кучайтирмоқдалар. Жазоир ҳукумати янги йил арафасида чет эл капитали ихтиёрида бўлган сўнгги йирик компаниялар национализация этилганлигини эълон қилди. Эндиликда Жазоир давлати илгари ажнабийлар хўжайинлик қилган автомобиль, химия, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати корхоналарини ҳам ўз қўлига олмоқда. Яқин Шарқ мамлакатларида нефть конларини национализация қилиш жараёни давом этмоқда. Катар ва Қувайтдаги йирик чет эл нефть компаниялари яқинда давлат назоратига ўтди.

Латин Америкаси мамлакатлари ҳам ўзининг табиий ресурслари устидан назорат ўрнатиш учун тобора қатъий чораларни амалга оширмоқдалар. Империалистларнинг муайян доиралари Чилидаги ҳарбий-фашист тўнтариш бутун Латин Америкаси қитъасида озодлик кучлари, тараққийпарвар кучлар тор-мор қилина бошлашидан далолат беради, деб умид қилган эдилар. Уларнинг бу умидлари чиппакка чиқди. Бунинг аксича, Чилидаги воқеалар Латин Америкасида миллий озодлик ҳаракати сафларини янада маҳкам жипслаштирди. Латин Америкаси халқларининг янги мустамлакачиликка қарши кураш йўлидаги интилишларини кучайтириб юборди. Латин Америкаси халқлари ўз экономикасида халқаро монополиялар иш кўрар экан, ўз мамлакатларининг чинакам мустақиллиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини тобора аниқ-равшан тушуниб олмоқдалар.

Президент Веласко Альварадо бошчилигидаги Перу ҳукумати иқтисодий мустақиллик учун тобора изчил ва актив кураш олиб бормоқда. Венесуэла ҳукумати ҳам ўзининг миллий табиий бойликларини дадил ҳимоя қилмоқда. Темир-руда саноатини национализация қилиш тўғрисидаги қонун 1975 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди. Саноатнинг ана шу соҳаси кейинги вақтларгача Америка компаниялари қўлида эди. Нефть саноатини тамомила давлат назоратига олиш — Венесуэланинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун тағин ҳам катта аҳамиятга эгадир. Венесуэла нефть қазиб чиқариш соҳасида Латин Америкасида биринчи ўринни эгаллаб турибди. Ҳукуматнинг махсус комиссияси шу вақтгача тамомила деярли чет эл монополиялари ва аввало Америка монополиялари ихтиёрида бўлган нефть саноатини национализация қилиш тўғрисида ўзи ишлаб чиққан қонун лойиҳасини янги йил арафасида Венесуэла президенти Пересга топширди. Президент бу қонун лойиҳаси тарихий аҳамиятга молик эканлигини таъкидлаб 1975 йилда «венесуэлаликлар ўз нефтининг тўла ҳуқуқли хўжайини бўлиб қоладилар», деди.

Шу тариқа империалистик доираларнинг қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, «учинчи дунё» мамлакатларида миллий суверенитет учун, империалистик монополияларнинг ҳукмронлигига қарши кураш тобора кучайиб кенгайиб бормоқда.

МАРКАЗИЙ РАЗВЕДКА БОШҚАРМАСИ ТАНҚИД ЎТИ ОСТИДА

АҚШда янги йил арафасида сиёсий можаро рўй берди. Марказий разведка бошқармаси шу можарода асосий ўринни олди. Бундай ҳол биринчи марта рўй бераётгани йўқ.

Бутун можаро америкалик таниқли журналист С. Хершнинг мақоласи «Нью-Йорк таймс» газетасида босиб чиқарилишидан бошланди. Бу мақолада марказий разведка бошқармасининг АҚШ территориясидаги баъзи маҳфий ва қонунга тамомила хилоф бўлган ҳаракатлари фош қилинган эди. Мақола конгресс томонидан ҳам, ҳукумат томонидан ҳам етарли даражада назорат қилинмаётган марказий разведка бошқармасининг бошдан оёқ разил ишлари борасида Америкадаги кенг жамоатчиликнинг қаҳр-ғазабини туғдирган учқун бўлди. С. Херш асосли фактларга таяниб, «давлат ичидаги давлат»га айланган марказий разведка бошқармаси ҳозирги вақтда АҚШда реакцион доираларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилаётган «маҳфий полиция» ролини бажараётганлигини кўрсатиб берди.

1947 йилда, яъни «совуқ уруш» авж олиб кетган бир пайтда АҚШдаги бир қанча разведка ташкилотларининг СССРга ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши қаратилган фаолиятини мувофиқлаштириб олиб бориш мақсадида тузилган марказий разведка бошқармаси даҳол тараққийпарвар кайфиятдаги барча америкаликларни — урушга қарши курашган негр студентлар ташкилотлари ва бошқа демократик ташкилотларнинг активларини яширинча таъқиб этишни уюштирди. Ана шу ташкилотлар «қўпорувчи» ташкилотлар деб эълон қилинган эди.

Марказий разведка бошқармасининг корчалонлари бу соҳада ҳар қандай воситаларни ишлатиб кўрдилар. Улар ўзларининг маҳфий агентлари ва ифвогарларни тараққийпарвар ташкилотлар ҳамда бирлашмаларга юбордилар, таниқли олимлар ва жамоат арбобларини таъқиб этдилар, суд органларининг рухсати бўлмагани ҳолда ҳатто сенаторлар ва конгресс аъзоларининг ҳам телефон орқали сўзлаган гапларини эшитиб турдилар... «Алвасти овлаш» 60-йилларнинг охири ва 70-йилларнинг бошида айниқса кўчайиб кетди. Фактлар бундай «ов» ҳозир ҳам давом этаётганлигини кўрсатиб турибди. Марказий разведка бошқармасининг «Контрразведка бўлими» томонидан тузилган ва тўлдириб борилаётган «қора рўйхат»да, С. Хершнинг маълумотларига қараганда, америкаликлардан ўн мингдан ортиқ кишининг номи бор.

С. Хершнинг мақоласи, табиий, америкаликларда чуқур таассурот қолдирди. Бу мақола марказий разведка бошқармаси АҚШнинг чет эллардаги кўпгина кўпорувчилик ҳаракатлари масалан, «У-2» разведкачи самолётнинг ифвогарлик мақсадида СССР осмонидан учиб ўтмоқчи бўлганлиги, Кубага қурол кучидан фойдаланиб бостириб кириш йўлида қилинган ва барбод этилган уринишда ёки Чилидаги фашистлар тўнтаришида қатнашганлиги учун жавобгар бўлибгина қолмай, мамлакат ичкарисида неча ўн минглаб соф виждонли Америка гражданларини жосуслик мақсадида таъқиб этиш билан доим шуғулланиб келаётганлигини ҳам америкаликларга эслатиб турибди.

Сенатор У. Прокснайр яқинда Америка телевидениеси орқали сўзлаган нутқида бундай деди: жосуслик бошқармасининг раҳбарлари марказий разведка бошқармасининг Вашингтон яқинида жойлашган Лэнглидаги штаб-квартирасида иш кўриб, йилига неча юз миллион доллар пул олиб турибдилар Улар ўн мингларча маҳфий агентларга кўмондонлик қилиб, «Бутун дунёда Американинг обрў-эътиборини тўкмоқдалар». Марказий разведка бошқармаси деб таъкидлади у, ҳақиқатан ҳам қонунга хилоф суратда АҚШдаги квартираларга ва хизмат биноларига суқилиб кирди, телефон орқали айтилган гапларни тинглади ва қонунга хилоф бўлган бошқа ишлар билан шуғулланди.

Бу гапларга нимани илова қилиш мумкин? Америка конгрессининг аъзолари шу хилдаги гапларни илгари ҳам айтган эдилар, аммо аҳвол ўзгармай қолаверди.

Ю. ФЕДУТИНОВ,
Э. БАСКАКОВ,
Н. ЧИГИРЬ.
(ТАСС).

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

КОМПЛЕКС ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

КПСС Марказий Комитетининг партияга ва совет халқига Мурожаати Сирдарё области меҳнаткашларини беш йилликнинг якунловчи йилида янги зафарларга руҳлантириб юборди. Партиянинг бу муҳим ҳужжати областнинг барча хўжаликларида, ишлаб чиқариш корхоналарида, ферма ва отарларда кенг ўрганилмоқда. Илҳомбахш Мурожаатдан руҳланган сирдарёликлар 1975 йилнинг дастлабки меҳнат кунларини зўр муваффақият билан бошладилар. Далаларда мўл ҳосилга замин ҳозирланмоқда. Сирдарё деҳқонларининг олим ва конструкторлар, селекционер-уруғшунослар, ирригатор ва мелиораторлар билан ҳамкорлиқда олиб бораётган бунёдкорлик меҳнатлари туфайли Мирзачўл Совет Иттифоқининг пахтачиликдаги лабораториясига айланди.

Область меҳнаткашлари ўтган 1974 йилда она-Ватанга 330 минг тоннадан зиёд пахта етказиб бериб, социалистик мажбуриятни бажарди. Сут, гўшт, шоли ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш анча кўпайди. «Комплекс тараққиёт йўлидан» рубрикаси остида берилаётган материалларнинг навбатдаги туркумида сирдарёлик чўлқуварларнинг вакилларига сўз берилади.

ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ

Ильич — Сирдарё областининг қўриқ зонасида ташкил топган йирик пахтачилик районларидан биридир. КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилаётган районимиз пахтакорлари, чорвадорлари, ғаллакорлари, полизчилари ва сабзавоткорлари айниқса тўққизинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида катта меҳнат зафарларини қўлга киритдилар.

Тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йилида района жами 44 минг 568 тонна пахта етиштирилиб давлатга топширилган эди. Сўнгги тўрт йил давомида ҳосилдорликни муттасил ошириб боришга эришдик. Ўтган йил ҳар гектар ердан 25 центнерга етказиб хирмон кўтарилди. Пландаги 43220 тонна ўрнига 56 минг тонна «оқ олтин» етиштирилди. Натижада беш йиллик план тўрт йилдаёқ ошириб бажарилди. Ана шу давр мобайнида она-Ватанга жами 204 минг 921 тонна ёки беш йиллик планга кўзда тутилганидан 5 минг тонна кўп чўл дурдонаси етказиб берилди.

Партия ва ҳукуматимиз хўжаликка раҳбарлик қилишни муттасил такомиллаштириб бориш, мавжуд резервлардан унумли фойдаланишга даъват этмоқда. Ҳақиқатан ҳам резервларимиз катта бойликдир. Улардан оқилона фойдалана билиш йўллари эса юксалиш мезонини белгилайди. Биз партия ва ҳукуматимизнинг ана шу йўлдаги кўрсатмаларини амалга ошириш учун астойдил курашиб олиб бораётирмиз. Айниқса беш йилликнинг ўтган тўрт йили давомида ерларнинг унумдорлигини ошириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, техникани пухта эгаллаш ва ундан оқилона фойдаланиш, кадрларни танлаш, тарбиялаш ҳамда жой-жойига қўйиш каби муҳим соҳаларда самарали иш олиб борилди. 1970 йилда районимиз пахтакорлари салкам 19 минг гектар ерда деҳқончилик қилишган эди. Сўнгги тўрт йил мобайнида чекка-чекка жойларда эътибордан четда ётган ерларни оборотга киритиш ҳисобига пахтазорларимизни яна 4618 гектарга кенгайтиришга муваффақ бўлдик. Шу йиллар мобайнида ҳосилдорликни ошириш йўлида ҳам кўп ишлар қилинди. Беш йилликнинг белгиловчи йилида районимизнинг энг йирик хўжаликлари — Титов номли, «Правда», Волков номли совхозларнинг меҳнаткашлари гектар бошига 30-31 центнердан ҳосил олдилар. Узоқов номли, Гагарин номли совхозларда эса ялпи ҳосил 2,2 баравар кўпайди. Булар — кейинги тўрт йил давомида район бўйича ҳосилдорлик ўрта ҳисобда 10-12 центнерга ошганидан далолат беради. Шу йиллар ичида техникадан унумли фойдаланиш коэффициенти ҳар қачонгидан юқори бўлди. Масалан, саккизинчи беш йилликда етиштирилган ялпи ҳосилнинг 50—60 проценти машиналар ёрдамида териб олинган бўлса, ҳозир умумий ҳосилнинг 90 процентдан ортиғини техника кучи билан йиғиб-териб олиш имкониятига эга бўлдик.

Сўнгги йилларда районда пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари ҳам яхши ривож топди. Масалан, 1971 йилдагига нисбатан дон етиштириш 9-10 баравар, картошка етиштириш 9 баравар, мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш 4-5 бараварга кўпайди. Шу йиллар мобайнида қўриқ районда чорвачилик, пиллачилик каби муҳим тармоқлар йўлга қўйилди.. Айниқса чорвачиликнинг тез ривожланаётганлиги кишини қувонтиради. 1970 йили Титов номли совхозда кичик сут-товар фермаси ташкил этилганди. Бу, районимиз чорвасининг биринчи қадами эди. Ўтган 3—4 йил давомида бу соҳада катта ишлар амалга оширилди. Ҳозир Титов номли, «Правда», Волков номли совхозларда йирик сут-товар фермаси мавжуд. Уларда жами 2378 бош қорамол парваришланмоқда. Ўтган йил ҳар бош соғин сигирдан 2500 килограммдан сут соғиб олишга эришдик. Якунловчи йили бу кўрсаткични 3000 килограммга етказмоқчимиз.

Беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида кўпгина ишларни амалга оширдик. Аммо, қилинадиган ишлар эса ундан ҳам кўпдир. Биз беш йилликнинг сўнгги йилида камида 60 минг тонна пахта етиштиришга, чорвачиликни янада ривожлантиришга, она-Ватанга ҳар қачонгидан ҳам кўп ғалла, мева, картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари армуғон этишга қарор қилганмиз. Бунинг учун бизда барча шарт-шароитлар бор; тажрибамиз етарли. Кузнинг ғоят қулай келганлигидан фойдаланиб, ҳозиргача анчагина зарур ишларни амалга ошириб қўйдик. Шудгорлашни областда биринчи бўлиб тугатдик. Шу кеча-кундузда шўр ювиш, яхоб бериш, суғориш шохобчаларини тозалаш ва кенгайтириш, техника ремонти каби соҳаларда ишлар қизғин олиб борилмоқда.

Районимиз составида яқинда яна бир совхоз ташкил этилиб, унга таниқли механизатор, уста пахтакор Қувондиқ Абдураззоқов директор қилиб тайинланди. Шу кеча-кундузда янги совхозда иш қизғин. Бу ерда 3000 гектардан ортиқ майдонда дастлабки ҳосилга замин яратилмоқда. Келажакда бу совхоз ҳам йирик хўжаликлардан бири бўлиб қолади ва районимизнинг «оқ олтин» тоғини янада юксалтиради.

Қисқа қилиб айтганда — районимизнинг пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги имкониятлари катта. Бизнинг мақсадимиз — бу пайтга қадар орттирилган тажрибаларга таянган ҳолда янгидан-янги резервларни қидириб топиш, шу асосда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини комплекс ривожлантириш ҳамда КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли амалга оширишга қаратилгандир. Шунга эришайликки, тўққизинчи беш йиллиқнинг сўнгги, якунловчи йили — улкан ғалабалар йили бўлиб қолсин.

А. АБДУШОҲИДОВ,
Ильич район партия комитетининг биринчи секретари, Узбекистон ССР Олий Совети депутати, республикада хизмат кўрсатган агроном.

КАМОЛОТ САРИ

Ўтган йилимиз барча қишлоқ хўжалик ходимлари қатори биз— шоликорлар учун ҳам жуда катта ишлар йили бўлди. Сув танқислиги туфайли катта қийинчиликларга дуч келдик. Аммо, шундай бўлсада, Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг шонли 50 йиллик юбилейи йилида барча имкониятларимизни ишга солиб, давлатга шоли топшириш планини ошириб бажардик. Совхозимиз меҳнаткашлари мамлакатга пландаги 1350 тонна ўрнига 1904 тонна шоли етказиб бердилар. Шоличилик учун энг ноқулай келган ўтган йилда ҳосилдорликни гектар бошига пландагига нисбатан 6 центнерданга юқори кўтаришга эришдик.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездида тўққизинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари қатори шоличиликни ҳам ривожлантириш ва беш йиллик охирига бориб камида 2 миллион тонна шоли етиштириш лозимлигини таъкидлаб ўтган эди. Мамлакатимиз шоликорлари партия XXIV съездининг бу соҳадаги кўрсатмаларини муваффақиятли амалга оширмоқдалар. Белгиловчи йилда 1 миллион 900 минг тоннадан ортиқ шоли етиштирилди. Бу улкан хирмонда жонажон республикамиз, шу билан бирга Сирдарё шоликорларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

Областимизда учта шоликор совхоз бор. Бизнинг хўжалигимиз эса шулар ичида кенжасидир. У 1973 йилнинг бошида ташкил топди. Дастлабки йили 480 гектар ерда деҳқончилик қилдик ва белгиланган вазифани шараф билан адо этдик. Биринчи йилиёқ ҳар гектар ердан пландагига нисбатан 5,5 центнердан ортиқ шоли ҳосили олинди. Дастлабки йили қўлга киритилган бу муваффақият бизларга қанот бағишлади.

Шоличилик — ғоят мураккаб соҳа. У асосан сув ва фидокорона меҳнат билан юзага келади. Айниқса сув бўлмаса — қилинган ҳар қанча меҳнат ҳам, сарфланган маблағ ҳам бекорга кетиши мумкин.

Биз сув танқислиги қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ўтган йили биринчи бор чуқур ҳис этдик. Хўжалигимиз Сирдарёнинг бўйида жойлашган. Бизнинг ана шу азим дарёдан бошқа сув оладиган манбаимиз йўқ. Шундай бўлгач, Сирдарёда сув сероб бўлса — бизларнинг ҳам кўнглимиз тинч, ишимиз яхши бўлаверади. Буни кўпчилик деҳқонларимиз яхши билишади. Шунинг учун сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш орқали олдимизга қўйилган вазифани адо этиш учун барча имкониятларни ишга солдик.

Ўтган йил биз 575 гектар ерда ҳосил етиштирдик. Ерларга уруғ ташлашдан олдин ҳар гектар ерга 600 килограммдан суперфосфат солиб, яхшилаб шудгорладик, сўнгра ер текислаб, пол олиш каби ишларнинг сифатига алоҳида эътибор бердик. Июнь ойининг ўрталарига келиб кўчатлар 4-5 тадан барг чиқариб олгандан сўнг биринчи ишлов берилди. Бунда аввало гербицид солинди, сўнгра ҳар гектарига 600 килограммдан селитра берилди. Юқорида айтиб ўтганимиздай, ёз бўйи қилган фидокорона меҳнатларимиз зое кетмади. Давлатга шоли топшириш планини 126 процентдан ошириб юбордик.

Ҳозирги пайтларда ўтган йилдаги ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб қилиш билан бирга кўпроқ хўжалигимизнинг истиқболи, олдимизда турган конкрет вазифалар устида фикр юритмоқдамиз.

Совхозимиз ёш, ҳозирча экин майдони кўп эмас. Аммо, унинг имкониятлари катта, истиқболи бор. Тўққизинчи беш йилликнинг сўнгги йилида совхозимизнинг экин майдони янада кўпаяди.

Сирдарёдан хўжалигимизнинг шолипояларига секундига 20 кубометр сув келтириб турадиган 13 километр узунликдаги канал қазилган. Ҳозирга қадар бу каналнинг 7 километрга яқини бетонлаштирилди. Бу йил унинг яна 3 километри бетонлаштирилади. Шунингдек, ана шу канал бошига 1972 йили насос қурилиши бошланган эди. Бу йил насос ҳам қуриб битказилиб, ишга туширилади. Шундан сўнг совхознинг шолипоялари йил сайин кенгайиб боради ва 1980 йилнинг охирига келиб биз 3500 гектар ерга шоли экамиз. Унинчи беш йилликнинг охирига бориб хўжалигимиз она-Ватанга ҳар йили 12 минг тоннадан ортиқ шоли етказиб бериш имконига эга бўлади. Бундан ташқари совхозимизда 600 гектар ерда беда ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилади.

Тезкор давримиз шоличиликни механизациялаш, химия ютуқларидан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Ҳақиқатан ҳам энди буларсиз деҳқончиликни ривожлантириш мумкин бўлмай қолди. Айниқса, экиш олдидан ерларни яхшилаб тайёрлаш, экинга авиация ёрдамида ишлов бериш, озиқлантириш, суғоришни автоматика гарданига юклаш, ниҳоят етиштирилган ҳосилни комбайнлар билан ўриб олиш учун имкониятлар бор. Фақат гап ана шу имкониятлардан усталик билан фойдаланишда қолган. Масалан, ҳамма майдонни фақат селялкалар билан экиш учун ерларни яхшилаб, шунга мослаштириб тайёрлаш керак. Суғоришни автоматлаштириш учун чекларни катта, бир ҳажмда олиш лозим. Шоликор-деҳқон қўл остидаги ернинг тузилишини беш қўлдай билиши керак. Айтайлик, баъзи жойлар бор — кўпроқ гербицид ишлатишга тўғри келади. Баъзи карталарда эса аксинча.

Совхозимиз — камолот йўлида. Бу ғоят оғир, аммо, шарафли йўлдир. Шунинг учун биз қийинчиликлардан қўрқмай олдинда турган улкан мақсад сари астойдил қадам ташлаяпмиз.

Ҳ. ЖУМАБОЕВ,
Сирдарё районидаги «Шоликор» совхозининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ҚОЛОҚ УЧАСТКАЛАР БЎЛМАЙДИ

Беш йиллик планни тўрт йилда ошириб бажардик. Она-Ватанга 18600 тонна ўрнига 24481 тонна «оқ олтин» армуғон этилди. Ўтган тўрт йил давомида колхозда ерларнинг ҳосилдорлиги деярли 8—10 центнерданга кўпайди. Фақат пахтачиликнинг ўзиданги на 4 йилда пландаги 9 миллион ўрнига 12 миллион 520 минг сўм даромад олдик. Чорвачилик эса ана шу давр мобайнида зарар келтирувчи соҳадан рентабелли тармоққа айланди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам катта ғалабалар қўлга киритилди. Хуллас, тўққизинчи беш йилликнинг ўтган 4 йили мобайнида колхозимиз ҳар томонлама юксалди, ривож топди. Хўш, буларнинг боиси нимада?

Бизнинг колхозимиз Гулистон районидагина эмас, балки Сирдарё областидаги энг йирик хўжаликлардан ҳисобланади. 2381 гектар ерда пахта етиштирамиз, 600 гектар ер бедага, 340 гектар майдон эса маккажўхори етиштиришга ажратилган. Булардан ташқари колхозимизда 120 гектар ерда 12—13 турдаги қишлоқ хўжалик экинлари, сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка етиштирилади. Колхозимизнинг катта боғи ва узумзори бор. Шунингдек, бўрдоқичилик, сут-товар, чўчқачилик ва паррандачилик фермаларимиз бор. Буларнинг бари колхозимиз сертармоқли хўжаликлардан бири эканлигидан далолат бериб турибди.

Албатта, катта хўжаликнинг юки ҳам оғир бўлади. Уни ҳар тарафлама комплекс ривожлантириш, янгидан-янги истиқболлар сари етаклаш осон иш эмас.

Ҳозирги даврда қимки техникани пухта эгалласа, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий этса, кадрларнинг қобилиятига қараб зарур участкаларга тўғри қўя билса — ютуқ ўшаники. Қимки, ана шу масалаларни вақтида муваффақиятли ҳал эта олмаса — уни замондан орқада қолиб кетди деяверинг. Биз ҳам асосий эътиборни ана шу муҳим масалаларни ҳал этишга қаратдик.

Тўққизинчи беш йилликнинг дастлабки йилида колхозимизда ҳар гектар ердан 24 центнердан сал ортиқроқ ҳосил олинган эди. 1972 йилнинг охирига келиб ёнимиздаги қолоқ «Ленинский путь» колхози бизнинг хўжалигимизга қўшилди. Бу колхознинг 1000 гектардан ортиқ пахта майдони бўлиб, ундан ўрта ҳисобда 17—18 центнердан ҳосил олиб келинар эди. Энди колхоз правлениеси ва партия ташкилоти олдида ана шу қолоқ участкани ҳам илғорлар сафига қўшиб олишдай оғир вазифа турар эди. Биз бу ишга ғайрат билан киришдик. Аввало участканинг ер шароити атрофлича ўрганиб чиқилди. Натижада сув йўлларининг носозлиги, коллекторларнинг эскириб кетганлиги ва карталарнинг яхши текисланмаганлиги маълум бўлди. Колхоз правлениеси ана шу участка территориясидаги ариқ ва зовурларни тозалаш, сув йўлларини созлаш ишлари учун 46 минг сўм, карталарни микропланировкадан чиқариш учун эса 20 минг сўм пул ажратди. Кичик карталар кенгайтирилди. Кўплаб маҳаллий ва минерал ўғитлар солинди. Тажрибасиз бригада бошлиқлари бўшатилиб, улар ўрнига ишнинг кўзини биладиган, техникага ихлос қўйган уста деҳқонлар тайинланди. Хуллас, минг гектарли оғир участкани кўтариш учун маблағни ҳам, куч-қувватимизни ҳам аямадик. Натижада дастлабки йилнинг ўзидаёқ неча йиллар давомида энг қолоқ участка ҳисобланиб келган ана шу ерларда ҳосилдорлик 8—9 центнерданга кўтарилди. Мана бу йил эса ҳосилдорлик янада ортди. Колхоз бўйича 2381 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 22,1 ўрнига 31 центнердан ҳосил олдик. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, беш йилликнинг белгиловчи йилида она-Ватанга 5240 ўрнига 7324 тонна «оқ олтин» топшириб, йиллик планни 140 процент қилиб адо этдик. Ялпи ҳосилнинг 72,5 проценти машиналар ёрдамида териб олинди.

Беш йилликнинг сўнгги йилида кўзлаётган мақсадларимиз янада улкан. Аввало, ҳосилдорликни гектар бошига 35 центнерданга етказмоқчимиз. Бу ғоят масъулиятли, аммо, қўлимиздан келадиган ишдир. Колхозимизнинг Жаббор Оғалиев, Маматқул Темиров, Мамат Эшонқулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ўтган йили 37—40 центнердан ҳосил олинди. Улар энди 45—50 центнерли хирмон учун тараддуд кўрмоқдалар. Мамат Эшонқулов, Иброхим Каюмов, Хурша Юсупов сингари уста деҳқонлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда эса кейинги 3—4 йил ичида ҳосилдорлик 15—20 центнерданга кўтарилди. Буларнинг бари — бизнинг ҳали ҳосилдорликни ошириш йўлидаги имкониятларимиз катта эканлигидан далолат бериб турибди. Шунинг учун ҳам улкан довонни кўзлаб, ҳозирданоқ катта ишларни амалга оширяпмиз.

Тўрт йилдан бери колхозимизда механизаторлар тайёрлаш тўрт ойлик курси мунтазам ишлаб турибди. Шу кеча-ю кундузда ана шу курсда 25 нафар йигит-қиз техника сирларини эгалламоқда. Ҳа демай улар ҳам колхозимиз техника жиловкорлари сафига қўшиладилар.

Бу йил кузги-қишки ишларни ҳар қачонгидан ҳам ғужғужлик билан олиб бормоқдамиз. Мақсад — партия ва ҳукуматимизнинг доимий, оталарча ғамхўрлигига тўққизинчи беш йилликнинг сўнгги йилида ҳам қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида катта ютуқларни қўлга киритиш билан жавоб беришдир.

М. НОМОЗОВ,
Гулистон районидаги «Октябрь» колхозининг раиси, республика колхозлар кенгашининг аъзоси.



КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини Қуйи Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз сут-товар фермаси коллективи зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Бу хўжаликда сут дарёсини тошираётган илғор чорвадорлар кўп. О. Норбоева, С. Турсунова, У. Айдарова кабилар ана шулар жумласидан. Улар ўтган йили ҳар бир сигирдан 3500 литрдан сут соғиб олдилар. Илғор чорвадорлар якунловчи йилда янада улкан марраларни кўзлаб меҳнат қиляптилар. Суратда: Ойимхол Норбоева, Солия Турсунова, Ўрозгул Айдарова келгуси вазифалар ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

Ж. Тўраев фотоси.

Хушхабарлар

СИФАТ БЕЛГИСИ БЕРИЛДИ

ТОШКЕНТ. Янги йилнинг биринчи иш кунида Бекобод цемент комбинати бўйлаб ажойиб хушхабар тарқалди. Корхонада тайёрланаётган тез қотувчи цемент маҳсулоти — БТЦ-га Давлат сифат белгиси берилди. Бу хушхабар коллективнинг ҳар бир аъзоси ғайратига-ғайрат қўшди. Комбинат беш йиллиқнинг якунловчи йилида пландан ташқари 8 минг тонна цемент ва 800 минг дона шифер ишлаб чиқаради ва реализация қилади.

Қ. НОРМАТОВ.

ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

ХОРАЗМ. Урганчдаги якка буюртмалар тикиш «Лола» ателъеси коллективи тўққизинчи беш йиллик топшириқларини тўрт йил ичида бажариб, 246 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Бу пландагидан 60 минг сўмлик кўпдир.

Илғор коллектив ҳозир ўнинчи беш йиллик ҳисобига иш бажармоқда. Д. Эшжонова, Н. Матёқубова, З. Полвонова, Ж. Отаева, С. Примова ва Ш. Иброҳимова сингари илғор тикувчилар беш йилликни меҳнатда муносиб якунлаш учун бел боғлаганлар.

Я. АЛЛАҚУЛИЕВ.

ЧЎЛДА ҲАЁТ

ЯРИМ АСРДАН БУЁН ЯШНАБ ТУРГАН БОҒ

Наманган области, Марказий Фарғона қум барханлари ва ботқоқликлари орасида «Гулбоғ» совхози тузилганига ярим аср бўлди.

1924 йилда агроном А. А. Воскресенский бошчилигидаги унча катта бўлмаган ташаббускорлар группаси ана шу ҳаётдан асар йўқ жойларга келишган эди. Уларнинг тасарруфида бир неча жуфт ўкиз, омоч ва кетмондан бўлак нарса йўқ эди. Дастлабки йили қумликлар бағридан юз гектардан ортиқроқ ерни ўзлаштириб, чигит экишди. Ўша вақтдагига нисбатан тузуккина ҳосил кўтаришди.

Бугунги «Гулбоғ» — юксак даражада механизациялаштирилган йирик пахтакор хўжалик. Деҳқонларнинг қўлида икки юздан ортиқроқ трактор, юзга яқин пахта терадиган машина, кўпдан-кўп бошқа техника бор. Олти минг гектардан зиёдроқ қўриқ ер ўзлаштирилди. Ҳайдаладиган ерларнинг тўртдан уч қисмидан кўпроғига чигит экилади. Республиканинг олтин юбилейи йилида хўжалик меҳнатчилари мисли кўрилмаган даражада мўл ҳосил етиштириб, қариб 14 минг тонна пахта топширдилар. Ҳар гектар майдондан 30,5 центнердан ҳосил кўтарилди. Ҳосилнинг деярли ҳаммаси машиналарда териб олинди.

«Гулбоғ» совхози «оқ олтин»-дан ташқари кўпдан-кўп сут, гўшт, ғалла, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотлари етиштирмоқда.

Пахта далалари ва боғларнинг ўртасида каттакон посёлка ҳам қад кўтарди. Бу посёлкада шинам уйлар, мактаблар, клублар, магазинлар, болалар боғчалари ва яслилари бор. Совхознинг юбилейи арафасида меҳнат шуҳрати музейи очилди. Бу музейнинг экспонатлари қадимги қумликлар ва ботқоқликлар ўрнида барпо этилган ана шу хўжаликнинг босиб ўтган ярим асрлик йўли ҳақида ҳикоя қиладi.

(ЎзТАГ).

АСОРАТИ ЁМОН

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

Шундай касалликлар борки, улар асрлардан-асрларга ўтиб, шаҳарлардан шаҳарларга, давлатлардан-давлатларга тарқалиб, минглаб кишиларнинг ҳаётини хавф остида қолдиради. Ҳа, шамолдек тез тарқалувчи, кишиларга даҳшат солувчи оғир дардлардан бири грипп касаллигидир.

Шу мисраларни ёзар эканмиз, грипп билан юзма-юз тўқнашиб,.. «ҳа бу ҳам навбатдаги шамоллаш, оёқ устида ўтадиган дард деб» эътибор бермай, уни авж олдириб, натижада касаллик азобини чекиб қолдан кетган ва ҳаёти хавф остида қолган беморлар кўз олдимизга келади.

Мана, шаҳар шифохоналаридан бири. Шифокор-у, ҳамширалларнинг диққати дарди оғирлашиб қолган, тўхтовсиз йўталиб, азоб чекаётган, кўз соққалари қон талашиб қизарган, юзлари салқиб, кўз очишга мадори қолмаган, ўктин-ўктин қайт қилаётган, гоҳ ҳушидан кетиб, гоҳ алаҳлаётган бемор билан банд эдилар. Касаллик авж олган, беморнинг нафас олиш йўли билан ўпкаси қаттиқ яллиғланган. Шунинг учун беморнинг нафас олиши тезлашган, юрак мушакларининг фаолияти ҳам суст эди. Қон босими пасайган, танада кислород етишмаслиги бошланганидан бемор ҳолдан тойганди. Унинг ҳаёти ҳавф остида қолганди. Рафиқасининг бундай ҳолатга тушганлигини кузатиб турган беморнинг умр йўлдоши ўзини қўярга жой тополмасди.

— Бундан тўрт-беш кун илгари аъзои баданим увишиб, қақшаб оғрияпти, бошимни кўтара олмаяпман. Кўнглим безота бўляпти,— деб шикоят қилганида мен эса, шамоллаган бўлса керак, деб эътибор бермадим, — деди йигит ташвишланиб. — Ҳатто шу ҳолда эртасига қариндошларникига тўйга ҳам олиб бордим. Тўйдан қайтарканмиз йўл бўйи ўктин-ўктин йўтала бошлади . Кўнгли беҳузур бўлиб, қайт қилди. Автобусда келатуриб ҳушидан ҳам кетди. Уйга қайтгач, ҳароратини ўлчасам 40 даража атрофида, нафас олиши оғирлашганди.

Грипп касаллиги кенг тарқалиб кетиш ҳавфи туғилган пайтда ҳар бир киши шу дардга оид бўлган тушунчага эга бўлса, шифокорлар тавсиясига амал қилса, ундан сақланиши мумкин.

Юқумли касалликлар ичида хавфли ҳисобланган грипп ҳар 10 — 12 йил давомида дунё бўйлаб икки-уч маротаба кезиб, миллионлаб кишиларни оғир дардга дучор қилади. Бу касалликнинг вужудга келиши, инсоният ўртасида ва давлатлараро тез тарқалиши қуйидаги сабабларга боғлиқ.

Аввало, грипп касаллигини вужудга келтирувчи А, A_1, A_2 ҳамда A_3 Гонконг, A_2 Англия ва В. С, Д вируслари грипп билан оғриган беморларнинг, баъзан ҳатто соғлом кишиларнинг бурун, томоқ, ўпка йўли шиллиқ қаватига ўрнашиб олиб, тез кўпаяди. Грипп вируслари кишилар гаплашганда, йўталганда, аксирганда ташқи муҳитга чиқиб, соф ҳавони ифлослантиради. Шундай қилиб, вируслар соғлом кишиларга юқади. Бундан ташқари вируслар бемор фойдаланган идиш-товоқларга, сочиқ, дастрўмолларга, кийим-кечакларга ва болаларнинг ўйинчоқларига ўтириб қолади. Шулар орқали ҳам соғлом кишиларга ўтади.

Шуни айтиш керакки, айрим кишилар грипп билан оғриган бўлишларига қарамай ўз саломатликларига эътибор бермайдилар. Касалликнинг асорат қолдиришига бефарқ қараб, бир шаҳардан иккинчисига борадилар. Натижада улар темир йўл ва самолётларда, троллейбус ва автобусларда, трамвайларда, бозор ва дўконларда, кино-театр залларида аксириб, йўталиб грипп вирусларини соғлом кишиларга ва болаларга тарқатадилар.

Об-ҳаво совуқ вақтда, айниқса, қишда ташқи муҳитга чиқарилган вируслар бир неча соат давомида кўча ва уй, транспорт ва корхоналарда пуфакчалар каби учиб юриб, соғлом кишиларга юқади. Фаннинг исботлашича, грипп вируслари совуқ ҳавода касаллик чақириш хусусиятини йўқотмай, аксинча, ривожланиб, авж олиш қобилиятига эга экан.

Вируснинг заҳарли моддалари юрак ва мия, ўпка ва бошқа органларга, қон томирларига, нерв ва эндокрин безларига шимилади. Натижада хужайраларнинг нормал фаолияти бузилади. Касалликнинг биринчи соатларидан бошлаб бемор қувват камайиб, бадани увишиб, совуқ қотади. Бўғинларида ва бошида қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Сўнгра тана ҳарорати 38, 39, 40 даражагача кўтарилади, кўзи ёшланади. Иштаҳа йўқолиб, кўнгил айнайди.

Касалликнинг иккинчи ва учинчи кунларида юқорида айтиб ўтилган белгилар яна ҳам авж олиб, бемор оғирлашади. Кўнгилнинг беҳузур бўлиши, алаҳлаш ва ҳушдан кетиш каби белгилар шу дарднинг оғирлашганини кўрсатади. Шуни айтиш керакки, грипп касаллиги, айниқса, ёш болаларда, ёшлари йўғайиб қолган кишиларда, эмизикли ва ҳомиладор аёлларда оғир кечади. Уларда касалликнинг биринчи кунларидаёқ бетобликнинг аломатлари тезлик билан ривожланади. Ҳарорат эса ҳатто 40 даражадан ҳам баланд бўлиб, бош оғриғи, оёқ-қўлларининг қақшаб оғриши юз беради. Грипп касаллиги бошқа дард каби енгил ўтиши мумкин. Шундай бўлса-да, бемор албатта, кўрпа-тўшак қилиб ётиши ва шифокор маслаҳати бўйича даволаниши зарур. Акс ҳолда, кўпинча енгил турда бошланган грипп оғир асоратлар қолдиради.

Модомики, шундай экан, аввало, касалликдан сақланиш керак. Ҳар бир киши гриппга чалингач, бу дардни оёқ устида ўтказса ҳам бўлади демай, врач маслаҳатига амал қилиши зарур. Акс ҳолда грипп касаллиги ўпка ва ҳаво йўлларида, марказий мияда, асабда, томир ва юракда, кўз ва қулоқда, буйрак ва эндокрин безларида асорат қолдириши мумкин.

Мамлакатимизда грипп касаллигининг олдини олиш йўлида катта илмий ва амалий тадбирлар кўрилмоқда. Медицина фани ютуқларидан фойдаланиб, гриппга қарши эмлаш ўтказилади ва турли-туман дори-дармонлар кашф этилиб, беморларга тавсия қилинади. Шуни айтиб ўтиш керакки, грипп касаллигининг олдини олиш фақат шифокорларнинггина иши бўлмай, бутун жамоатчиликнинг, корхона раҳбарларининг, қоловерса, ҳар бир кишининг вазифасидир. Модомики, грипп кишилар гавжум бўладиган жойларда, бинобарин троллейбус, автобус ва трамвайларда тез тарқалар экан, троллейбус, автобус ва трамвайларнинг охирги бекатларида эшикларини очиб, ҳавосини янгилаб туришлари лозим. Корхоналарда эса, кишилар ишлаб турган хоналарнинг, кино-театрларнинг ҳавоси тез-тез янгиланиб туриши керак.

Ошхона ва кафеларда, буфет ва дўконларда савдо-сотиқ билан банд бўлган кишилар оғиз-бурунларига дока тутиб, савдо қилишлари талаб этилади.

Айниқса, болаларни гриппдан сақлаш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи ҳисобланади. Гриппга чалинган ва шамоллаган болаларни боғча ва мактабга, кино ёки театрларга мутлақо юбормаслик керак.

Беморга қаровчи кишилар эса докадан тикилган тўрт-беш қаватли боғич билан оғиз-бурунларини бекитишлари лозим. Уйнинг ҳавосини ҳар куни уч-тўрт марта янгилаб, полни 0,5 процент хлораминли хўлланган латта билан артиб турилса, грипп вируси тез бартараф этилади.

Беморнинг иситмаси тушгандан сўнг ҳам у икки-уч кун кўрпа-тўшак қилиб ётиши лозим. Дорилардан эса бош оғриғи ва бўғинлардаги оғриқларни қолдириш учун аналгин, пирамидон, феноцетин, аспирин ва уйқуни нормал ҳолга келтирувчи дорилар тавсия қилинади. Булардан ташқари беморга шолғом билан тоғолча солиниб тайёрланган серқатиқ хўрда ичириш, сут ва ширчой, ширгуруч ва ҳолвайтар, янги ивитилган қатиқ, лимонли чой, наъматак ва туршак сувлари, беҳи ва малинадан тайёрланган мураббо, иссик сутга ярим чой қошикда чой содаси солиб ичириш тавсия қилинади.

Юқорида айтиб ўтилган тавсияларга амал қилинса, тана чиниқтирилса, грипп касаллигидан ҳар бир оила аъзоси ҳоли бўлади. Демак, соғлом ҳаёт кечириб, умрларига-умр, бахтларига-бахт кўшадилар.

Шабот ХУЖАЕВ,
профессор.

ҚАҲРАМОННИНГ ШУҲРАТИ

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ХАТО қилинди. Лекин минг қатра шукурки, омадли хато. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қўчқор Турдиев ҳақида «Известия» газетасида 1974 йил (243-сон) «Ҳалоқ бўлганлар хотираси» мақоласида ёзган эдим. У тирик бўлиб чиқди! Буни редакцияга келган ўнлаб хатлар тасдиқлади... Мана узоқ Ўзбекистонга — паҳтадан мўл ҳосил олиб шуҳрат қозонаётган, айниқса ўтган йили рекорд ҳосил етиштирган машҳур Фарғона водийсига учмоқдаман. Худди ана шу ерда, Андижон областининг «Ойим» совхозида менинг қаҳрамоним яшайди.

Унинг урушдан кейинги ҳаёти тўғрисида дастлабки маълумотларни Тошкентдаёқ олдим. Ким билан гаплашмай, бу ерда Қўчқор Турдиевни ҳамма билади. Билмай ҳам бўладими, ахир у ўзбеклардан чиққан биринчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони эди! Бу ерда яна қатор кишилар ўша ўтмиш кунлари ҳамюртларининг қаҳрамонлиги тўғрисидаги қувончли хабар қандай кутиб олинганлигини яхши хотирлайдилар. Унинг ҳозирги ҳаётига тегишли саволларимга баъзан англашилмайдиган жавоблар эшитилди.

Ростини айтганда, бу ҳол аллақандай безовталик уйготарди. Ахир, инсонлар тақдири ҳам тасодифли, ҳам мураккаб бўладику! Турлича кишиларнинг тақдири турлича бўлади. Бу, албатта, собиқ фронтчиларга ҳам тааллуқли. Уларнинг аксарияти гимнастёркаларини ечиб тракторга ўтиришди, ёки станок ёнига келишди ва барча билан биргаликда меҳнат ҳаётини бошлашди. Аммо, бошқача воқеалар ҳам бўлар экан...

Мен ҳавотирланиб ўйлардим: қаҳрамоним билан нимадир юз бергани ҳақиқатмикин? Мен сўраган кишиларнинг бирортасидан у ҳақда сўраб кўришга уринсам ҳижолат тортиб, елкаларини қисиб қўйишлари, тўппа-тўғри жавоб беришдан нари бўлишлари балки, тасодиф эмасдир.

Буларнинг ҳаммаси тўғрисида ҳам шахсий кечинмаларим таҳлили учун ёзаётганим йўқ, албатта. Биргина оддий сапёр белкураги ёрдамида душманнинг икки пулемётчиси билан мардона курашган қора кўзли, ғайратли йигит тўғрисида адашган бўлсам, Бу кўнгилни ҳижил киларди. Ўша дақиқада унга қанча жасорат ва дадиллик зарур бўлди!? Ахир, у душманнинг автоматини тортиб олиб, яна тўрт фашистни отиб ташлади. Кейин эса, икки душманни ушлаб, елкасида ўзининг ярадор дўстларини тиббий пунктга олиб боришга мажбур қилди.

Буларнинг ҳаммасини шиддатли жанг шароитларида изчил бажариш учун солдат жасурлигининг бир зумли ёлқинигина эмас, киши характерининг қатъий қаҳрамонлиги лозим эди. Ахир, жасоратнинг жасоратдан фарқи бор. Баъзиларда жасорат тўсатдан, инсон иложсиз қолганида жонланади, бошқа кишиларда эса бу — руҳиятнинг узвий ҳолати бўлиб, унинг ёшлик ва кексалик даврида ҳам ҳар қачон ва ҳар ерда катта ишда ҳам, кичик ишда ҳам юзага келадиган доимий ва ўзгармас хусусиятидир.

Шундай қилиб, Турдиевнинг қаҳрамонлигини бир зумлик, ҳақиқатан ҳам бир ёлқин эканлигини ҳавотир билан ўйлардим. Фронтдан қайтгач, киши ниманингдир олдида, тўғриси ҳарбий синовнинг раҳмсиз аёвсизликлари билан ҳаттоки тенглашишга ҳаммавақт қобил бўлавермайди.

Олдиндан айтиб қўяй: Йўқ, тақдиридаги шахсий муваффақиятсизликлар ёки тасодифий ҳолатларга қарама-қарши ўлароқ Турдиев бунга бардош берди. Аксинча, унда бошқача қилиб айтиб бўлмайдиган тащқи жиҳатлар таркиб топаверди. Ўз республикаси тупроғига қадам қўйгач, у дастлабки дақиқалардан бошлаб жасоратидан ҳайратланган олиҳиммат кишилар қуршовида колди. Дастлабки дақиқаларданоқ уни Тошкентда эҳтимол яқин ўртада ҳеч кимга кўрсатилмаган ҳурмат ва иззат-икром кутиб олди. Уруш тугаган даврда Турдиев Олтин Юлдуз билан тақдирланган ягона ўзбек эмас эди. Шундай бўлса ҳам, у ахир биринчи қаҳрамон, урушнинг узоқ йиллари мобайнида ўз халоскор жангчиларига қалбларда тўпланган умумхалқ муҳаббати унга — Қўчқор Турдиевга алоҳида куч ила ёғилди.

Худди ана шу ерда, кейинчалик маълум бўлишича, каттароқ хавф ётарди. Шуҳрат унга қарши туришга қодир бўлмаган кишига раҳна солганида, бунинг устига инсон ёшроқ бўлганида нақадар хавфли эканлиги кимга ҳам маълум эмас. Ўшанда Турдиев ёш йигит эди.

Айни вақтда уни шарафлаш ва эъзозлаш она қишлоғи ёки ҳатто районида эмас, айтиш мумкинки, умуман республика кўламида жаранглади. Пойтахтдаги бирон бир тантанали йиғилиш унинг президиумида қаҳрамон ўтирмаса ўтмайдиган бўлиб қолди. Унинг нутқлари зўр қарсаклар билан кутиб олинар, газеталарда унинг суратлари ва деярли ҳар бир қадамининг тўла ҳисоботи босиб чиқарилади. Таниқли драматург Турдиев жасорати ҳақида пьеса ёзди, театр эса уни дарҳол саҳналаштирди.

Йиллар ўтиб борди, ғолибона хурсандчиликнинг тантаналари маромига кундалик ишлар кириб келди. Тантанали йиғилишлар тобора камайиб, газеталар урушдан сўнгги қаҳрамонларга янада кўпроқ ўрин бера бошлади. Ёш ва ғайратли, билимдон йигитнинг уни умумхалқ ҳайрати даражасидаги самовий юксакликка олиб чиқиб, чинакамига ерга тушиши қандай ҳол эди.

Афсуски, дўстона маслаҳат ўрнига унга ҳайриҳоҳлик билан қараган кишилар қаҳрамонга уларга туюлганидек муносиб вазифалар қидира бошлашди. Уни умумий овқатланиш масалалари билан шуғулланувчи бошлиқ этиб тайинладилар, бир вақт колхозга раислікка қўйишди. У вазифа учун ҳам, бу вазифа учун ҳам бизнинг қаҳрамонимиз ушбу соҳаларнинг ҳар бирида билган даражадан кўпроқ билим лозим эди. Унинг жамоатчилик масъулиятини тобора секин-аста пасайтириш, мансабидан тушуришга тўғри келинди. Бу Турдиевнинг ўзи мазкур шароитларда унинг юксак инсоний фазилатлари намоён бўлиб, қарор қабул қилгунича давом этди. Қарор—худди отаси сингари ишчи инсон бўлишдан иборат эди. Гап фахрли шуҳратдан қочиб кутилиш устида эмас, балки ҳаётда ўзининг ҳақиқий ўрнини топиб олиш учун интилиш ҳақида борарди. Ана шунда доимий ва тинимсиз меҳнатда аввалги шуҳрат далда берарди.

Безовта ва бўтана Қорадарёдан ўша даврдан бери беҳисоб сувлар оқиб ўтди. Ўттиз йил ичида тезарак-атрофдаги ҳамма нарса ўзгарди. Қачонлардир чанг-тўзонли ва камбағал қишлоқ улкан Ойим посёлкасига айланди, тез орада магазинлар, мактаблар ва турли муассаса бинолари билан шаҳарчага ўхшади. Колхоз кенгайди. Пахтакор ва полиқорларга иш куни ўрнига доимий суратда, ошкор айтиш керакки, катта миқдорда ойлик ҳақи тўлана бошланди. Ўйлардаги ҳамма нарса ўзгарди.

Мабодо, ўтмишдан бирон бир нарса қолган бўлса, улар чиндан ҳам айрим одатлардир. Алишер Навоий давридагидек учрашувлар пайтида самимий саломлашиш; Ибн Сино даврдагидек табрик рамзи сифатида ўнг қўлни кўкрак устига қўйиш; ўзбек тупроғининг кўзни қамаштирадиган неъматлари ва доимо кўк чойли жажжи пиёлалар қўйилган жозибадор сўзана олдидаги тантанавор меҳмондорчиликлар.

Биз Қўчқор Турдиев билан колхоз директори хонасида учрашдик. Бу тўлишган, ҳали ҳам гўзал қиёфали инсонда бундан ўттиз йилдан знёдроқ олдин Купянск бўсағасидаги чўлда кўрган хушбичим ва юрагида ўти бор йигитни билиб олиш осон эмасди. У ҳақда нима дейиш мумкин? Шундай бўлса ҳам, бу худди ўша инсон — ўша Қўчқор Турдиев эди.

Қўчқор Турдиев унинг ҳалоқ бўлганлиги ҳақидаги миш-миш ларга ишониб йўл қўйган хатойим учун мени кечирмади. Мен ўзимни тутиб туролмай, рўйрост шундай дедим:

— Демак, узоқ умр кўрасан.

— Нима учун узоқ яшамасин, — кимдир қочирик қилди. — Мабодо қаҳрамоннинг битта ўғли ўрнига олти қизи бўлса, уруш бўлмайди. Бу — тўғри аломат.

Биз кўчага чиқиб, посёлка бўйлаб кетдик. Қўчқор Турдиев номидаги интернатга кириб чиқдик, бу ерда кираверишда унинг катта портрети осиб қўйилган. Қаҳрамоннинг олти қизи тугатган, улардан бири шу ерда ўқитувчилик қилаётган мактаб ёнидан ўтдик. Уни ёнимиздан ўтиб бораётган кишилар таъзим билан қўлларини кўксиларга қўйиб, табриклашларидан умумхалқ ҳурмати фақатгина қачонлардир жангда олинган Олтин Юлдуз учун эмас, айни вақтда ҳозирда атрофдаги муҳит ва ҳар нимага Турдиев тўғридан-тўғри виждонан муносабатда бўлганлигидан юзага келганлигини тушундим. Қўчқор раҳбарлигидаги бригадада ўтган йили 50 центнердан шоли ҳосили олинганлиги ҳар кимга бўлмаса, ҳамқишлоқларига маълум. Улар ёши улғайиб қолган, ҳар куни кузги муздек тонготар билан тошқин Қорадарё сувидан ўтиши, сермашаққат меҳнат кунидан сўнг тунда эскириб қолган чайлада қолишини яхши билишади.

Кейин биз меҳмонхонаси ўйга кирдик, бу ерда унинг рафиқаси ва олти қизи эмас, уч қизи кутиб олди. Чунки улардан бири Фарғонада врач бўлиб ишлайди, қолган икки кичик қизи педагогика институтида ўқишади. Хушбўй асал, тилла ранг узум ва тилни қирқ ёрадиган ўзбек қовунларининг катта тилимлари қўйилган ял-ял товланган сўзана олдида барча билан ёнма-ён ўтириб, бу оғир ва вазмин, хушфеъл кишининг катта ва аҳил оиласи хусусида ўйлардим.

Тошкентга қайтгач, Андижон областига учиб кетишдан олдин Турдиев ҳақида суҳбатлашган кишиларни учратдим, улар энди мендан қаҳрамоним қандай яшаётганлигини сўрашди. Мен уларнинг саволларига мукаммал равшан жавоб беришга қодир эдим.

Аслини олганда мен ҳали ҳам баъзи бир нарсаларни тушунмаётирман. Чунончи, биз қаҳрамонона шахс фақат фавқулодда вазиятларда туғилиши мумкин деб ўйлаймиз-да, нима учун инсон ҳаётидан сўзсиз тўғриликни талаб қилишга уринамиз? Бироқ юқори ҳосил олиш, олти қизни оёққа тургизиб, уларнинг ҳаммасига олий таълим бериш учун керак бўлган мўътадил ва кундалик қаҳрамонлик сингари дафъатан унчалик самарали бўлиб кўринмаган қаҳрамонлик нега ахир иккиланишимизга сабаб бўлиши керак? Менинг ўйлашимча худди ана шу мўътадиллик ва маънавий фазилатларнинг қатъиятлигида биз қаҳрамонликдан ўзгача ном беришимиз мумкин бўлмаган нарсалар мужассамлашади.

Савва ГОЛОВАНИВСКИЙ.
(«ИЗВЕСТИЯ» газетасидан).

Қўчқор Турдиев ўз ҳамқишлоқлари орасида.
Г. Зельма фотоси.

Советлар мамлакатида

МАРРА ЭҒАЛЛАНДИ

ОРЕНБУРГДАГИ Новотроицк цемент заводи коллективи беш йиллик бошидан бери беш миллион тонна цемент ишлаб чиқарди. Ишни яхши ташкил этган коллектив бу муваффақиятга планда белгиланганидан икки ҳафта илгари эришди.

Айни кунларда цементчилар лойиҳада белгиланган ишлаб чиқариш қувватидан ўзиб кетишди. Улар тўрт йил мобайнида мамлакат қурилишларига қўшимча суратда бир миллион 250 минг тоннадан кўпроқ маҳсулот етказиб бердилар.

ЯНГИ ИНШООТЛАР КОЛХОЗЧИЛАР ХИЗМАТИДА

УЛЬЯНОВСК районидаги «Приволжский» совхозида 800 қорамолга мўлжалланган йирик комплекс фойдаланишга топширилди. Бу мазкур областда беш йиллик бошидан бери қурилган йигирманчи чорвачилик комплексидир.

КИШИНЕВ шаҳрида «Варатик» совхозида сут тайёрлаш бўйича Молдавияда энг йирик комплекс ишга туширилди. Бутун бир шаҳарчадан иборат комплексда бир вақтнинг ўзида 2 минг 400 чорва моллари боқилади. Сут фабрикаси республика пойтахти магазинларига ўн минг тоннадан кўп сут етказиб беради.

ЭНЕРГИЯ ҚИШЛОҚ ХИЗМАТИДА

БЕЛОРУССИЯДАГИ «Верёзки» совхози электр энергиясидан фойдаланиш бўйича саноат корхоналарига деярли тенглашди. Бу совхозга қарашли тармоқларда йилига 2 миллион киловатт-соат электр энергиясидан фойдаланмоқда. Ана шу совхоз республикада сут ва сабзавотчилик маҳсулотлари етиштириш бўйича илғор хўжаликлардан биридир.

Белоруссия қишлоқларида хўжаликларни электр энергия билан таъминлаш йил сайин яхшиланиб бормоқда. Бу йил қишлоқ жойларида энергиядан фойдаланиш 2 миллиард киловатт-соатга етади. Бу кўрсаткич ўн йил муқаддам Белоруссия халқ хўжалигининг барча соҳалари фойдаланган энергия миқдорига тенгдир.

(ТАСС).

ИШГА ТУШИРИЛДИ

Бўстонлик районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» номли сабзавотчилик колхозида насос станциясининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Ишга туширилган насос станциясининг иккита электр агрегати Бўзсувдан сув олиб, Угом тизма тоғлари этакларидаги қўриқ ерларни сугориш учун металл қувурлар орқали сувни 56 метр баландликка чиқариб беради. «Ташводстрой» трестига қарашли тўртинчи механизациялаштирилган кўчма колоннанинг мелиораторлари кўкламда сабзавот экиш учун 224 гектар ерни тайёрлаб бердилар. Далаларга сув бетон ўзандан ва ер остига ётқизилган суғориш шоҳобчаси орқали олиб келинди.

Гидромелиораторлар станциясининг иккинчи навбатини қуришга киришдилар. Кузга қадар хўжаликка янгидан ўзлаштирилган яна 536 гектар майдон топширилади.

(ЎзТАГ).

Ахборот Янгиликлар Хабарлар

Бизга ёзадилар

Нурота нутрияси

Район тайёрлов конторасининг ҳовлисига бетон охурлар қаторлаштириб ташланган. Уларда юмронқозиқдан каттароқ жонивор—нутриялар боқилмоқда. Жанубий Америкадан келтирилган жониворлар маҳаллий иқлимга тез мослашди. Нутрия Нуротада тажриба йўсинида беш йилдан бери кўпайтириляпти. Ўтган йилнинг ўзида давлатга 400 га яқин қимматбаҳо мўйна топширилиб, салкам 5 минг сўм даромад олинди.

Шеърхонлик кечаси

Тошкентдаги «Билимлар уйи»да шеърият муҳлисларининг ҳассос шоири, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Эркин Воҳидов билан учрашуви бўлиб ўтди. Шоир ижодига бағишланган кечани филология фанлари кандидати, доцент Озод Шарофиддинов олиб борди. Учрашувда СССР халқ артисти Раззоқ Ҳамроев, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари шоир Абдулла Орипов, артистлар Тўғон Режаматов, Гулчеҳра Жамиловалар Э. Воҳидов шеърларидан намуналар ўқишди. Шунингдек, шоирнинг «Олтин девор» комедиясидан парча кўрсатилди. Кеча охирида шоир Эркин Воҳидов янги ёзган шеърларидан ўқиб берди.

М. МАРДИЕВ,
ТошДУ студенти.

Доришунослар малака оширмоқдалар

Фармацевтика институти ҳузуридаги малака ошириш факультетида шу кунга қадар Ўрта Осиё республикаларининг мингга яқин доришунос мутахассислари қайта таълим курсини тугатдилар. Айни кунларда факультетда дорихона мудирлари, рецептор-назоратчилардан 60 нафари малака оширяпти. Машғулотларни институтнинг тажрибали ўқитувчилари олиб боришаётир. Курс тингловчилари фармацевтикадаги энг сўнгги янгиликлар билан танишиб, илғор тажрибаларни ўрганмоқдалар.

М. МИРЗАШАРИПОВ,
Тошкент фармацевтика институти студенти.

Машғулот бошланди

Беруний районида 84-қишлоқ хўжалигини механизациялаш профессионал билим юрти очилди. Бу ерда малакали бульдозерчилар, скрейперчилар, шоферлар ва экскаваторчилар тайёрланади. Билим юртида машғулотлар бошланди.

М. МУХАНОВ,
жамоатчи мухбиримиз.

спорт

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ЛАУРЕАТЛАРИ

Ўзбекистон спортчилари учун юбилей йили ниҳоятда омадли бўлди. Жаҳон ва Европа чемпионатлари, мамлакат биринчиликлари ва турли халқаро мусобақаларда республикамиз вакиллари 38 олтин 22 кумуш ва 23 та бронза медаль олдилар.

Яқинда мутахассислар, тренер ва журналистлар фикри асосида республикамизнинг ўн энг яхши спортчи ва тренери аниқланди. Кутилганидек, бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев йилнинг энг яхши спортчиси деб топилди. Юбилей йили лауреатлари орасида машҳур самбочилар С. Ходиев, С. Қурбонов, М. Ан, қиличбоз С. Рўзиев, волейболчи В. Дуюнова ва бошқалар бор. Ана шу уч самбочининг устози Геннадий Калеткин 1974 йилги энг яхши тренер деб топилди.

ХОККЕЙ

Мамлакат биринчилигида ўз зонасида пешқадамлик қилаётган «Бинокор» (Тошкент) хоккейчилари биринчи давра ўйинларини тугатдилар. Бинокорчилар сўнгги турда пешқадам командалардан «Спутник» (Нижний Тагил) билан куч синашдилар. Кескин кураш билан ўтган дастлабки учрашувда меҳмонлар устун чиқдилар — 2:1. Такрорий ўйин эса дуранг (2:2) бўлди.

ТОҒ БАҒРИДА ЛАБОРАТОРИЯ

Қозоғистоннинг шарқидаги Зиряновск районининг рудали тоғлари бағрида металлни портлаш усули билан пайвандлайдиган тажриба—саноат лабораторияси ишга киришди. Бу лаборатория Зиряновск қўрғошин комбинатида Новосибирск ва барнауллик олимлар билан ҳамдўстликда яратилди. Лаборатория 200 метрли чуқурликда бой полиметалл рудаси аллақачон чиқариб олинган камераларда ускуналанди. Бу ерда зарбга бардош берадиган пўлат девор монтаж қилинди. Бу девор кучли портлаш тўлқинининг бошқа рудали жойларга тарқалишига йўл қўймади.

Шу ғалати лабораториянда пўлат билан бронза, титан билан мис, пўлат билан алюминий қотишмаларининг намуналари олинди. Пўлат билан титан қотишмасини олиш технологияси пишиқтирила бошланди. Бу емирувчи муҳитда ишлайдиган машина-ускуна узелларини тайёрлашга зарур. Бундай қотишмадан фойдаланилганида коррозияга ғоятда бардош бериши ҳисобига унинг хизмат муддати узаяди. Бу ишларда СССР Фанлар академияси гидродинамика институти билан Олтой машинасозлик технологияси илмий-тадқиқот институтининг олимлари қатнашмоқдалар.

Олмаота.

В. ГАНЖА.

(ТАСС).

Реклама ва эълонлар

ЛОИИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, КОЛХОЗ РАИСЛАРИ, СОВХОЗ ДИРЕКТОРЛАРИ ВА ИШЛАРНИ БАЖАРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

4-ИТТИФОҚДОШ МАГИСТРАЛ АЛОҚАЛАРИ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТАРМОҒИ (ТУСМ-4 СМС-10)

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА РЕСПУБЛИКАНИНГ БИР ҚАНЧА ЖОЙЛАРИДА МУҲИМ ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КАБЕЛИ ЁТКИЗИЛИБ ИШГА ТУШИРИЛГАНЛИГИНИ

БИЛДИРАДИ

СССР Министрлар Советининг 1969 йил 22 июлда тасдиқлаган 567 номерли «Алоқа линияларини муҳофаза қилиш қондалари»га биноан кабель муҳофазаси зонасида ёки унга яқин жойда ерларни текислаш, чуқурлар қазиш, ер ости бойликларини қидириш ёки ер қатламларини ўрганиш ҳам қудуқ ва ҳавза қазиш, граждан иншоотлари қурилиши билан боғлиқ бўлган ҳамма ишларни алоқа кабел хизмати билан келишилган ҳолда, зарур бўлган тақдирда, кабел хизмати вакилларини чақириб амалга ошириш лозим.

Бу қондаларга риоя қилмаганлик натижасида шаҳарлараро алоқа кабели бузилган тақдирда, қондаларни бузган шахслар жиноий жавобгарликка тортиладилар ва давлатга етказилган зиён ундириб олинади.

Қазиш ишларини бажариш учун меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район советларининг архитекторларидан рухсат олиш керак.

Жойлардаги кабел трассалари темир-бетон столбалари ва кабел участкасининг телефон номерлари, ҳамда адреслари ёзилган огоҳлантирувчи белгилар ўрнатилган.

КАБЕЛ МУҲОФАЗАСИ ЗОНАСИДА ЕКИ УНИНГ ЯҚИНИДА ЕР ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ:

4-ИТТИФОҚДАШ МАГИСТРАЛ АЛОҚАЛАРИ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ТЕХНИКА ТАРМОҒИ — Тошкент-152, «Чилонзор» массиви, В-22 квартал, 11-уй. Телефонлар: 76-36-37; 76-36-31;

Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 143 «а»-уй. 10-кабел участкаси. Телефонлар: 44-14-65; 44-36-79.;

Тошкент область, Тўйтепа шаҳри, Ҳамза кўчаси, 13-уй. 2-Кабел участкаси. Телефон: 21-306.

Тошкент область, Чиноз район, «Пахта» посёлкаси, Ленинградская кўчаси, 30-уй. 20-Кабел участкаси.

ЕР ИШЛАРИНИ КЕЛИШИЛГАН ҲОЛДА БАЖАРИНГ.

ЕДДА ТУТИНГ! ШИКАСТЛАНГАН МАГИСТРАЛ АЛОҚА КАБЕЛИ ДАВЛАТГА КАТТА ЗИЁН КЕЛТИРИШ БИЛАН БИРГА, ИШЛАЁТГАНЛАР УЧУН ЖУДА ХАТАРЛИДИР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.05 — ТОШКЕНТ. 18.15 Болалар учун кўрсатув. 18.45 — Китоб жавони. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Енгил ҳаёт (кинокомедия). 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Танбур тароналари. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Ҳар гектардан унумли фойдаланайлик. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Қўғирчоқ фильм. 11.20 —Спорт кўрсатуви. 12.20 — Мультфильм. 18.05 — МОСКВА. 18.35 — Зумрад шаҳар сеҳргари (6-серия). 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ҳар расмда қуёш акси бор. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 — Концерт. 20.45 — Ёзувчи минбари. 21.00 — Пуччини (2-серия). 22.00 —Ҳужжатли кино экрани (Тошкент). 22.30 — Андронников сўзи (телефильм). 23.35 — Концерт. 00.10 — Спорт кундалиги. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.30— ТОШКЕНТ. 20.10 — Ҳужжатли фильм. 20.25 — Ўқитувчи экрани. 20.55 — Тошкент янгиликлари. 21.20 — Бадиий фильм.

Биринчи бўса (12.00, 15.00), 9/I да Ташвишланманг, онажон (12.00, 16.00).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Циркда арча. «СЕҲРЛИ КУЛ» ЯНГИ ЙИЛ ЦИРК ТОМОШАЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/I да Золушка, (12.00), Севги тумори (19.00), 8/I да Севги ва қилич (12.00), Марварид изловчилар (19.00), 9/I Доктор Айболит (12.00), Риголетто (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/I да Қароқчилар (12.00), 8/I да Бой ила хизматчи (12.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/I да Лаҳма (12.00), Хотинимнинг эри (19.30), 9/I да Олифта (12.00, 19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/I да Беш кунлик куёв (12.00, 15.00), 8/I да

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
11-12 ЯНВАРДА КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ОЛМАХОН ХАЙИТОВА
Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Ҳадича АЛИМАРДОНОВА, Неъматжон ҚУЛАБДУЛЛАЕВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Абдуқодир ЮСУПОВ, Азиза ТУЛАГАНОВА, Отажон ВАСИЛОВ, Ҳасан ҚАРИМОВ, Гулнора АЪЗАМОВА, Нина ТЯГНИБИДНАЯ, Отажон РАЖАБОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист САЛОҲИДДИН ТУХТАСИНОВ.

ПРОГРАММАНИ Бутуниттифоқ театр артистлари конкурсининг лауреати ЗАЙТУНА ТОЖИБОЕВА олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

Ўзбек Давлат лойиҳалаш «Ўзгипрокоммунинжпроект» институти коллективи группа раҳбари Н. Исроиловга отаси

Абдулла ИСРОИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142

Р. 03115.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64583.

Б. — 5.